*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 137 (9633). • 1989 йил 22 июль, • шанба • Баҳоси 3 тийин.

# М. С. ГОРБАЧЕВнинг КПСС Марказий Комитетидаги кенгашда сўзлаган якунловчи нутқи

Ўртоқлар! Марказий Комитетдаги кенгашда энг муҳим масала — қайта қуришнинг ҳозирги жуда муҳим ва масъулиятли босқичида КПССнинг фаолияти тўғрисидаги масала юзасидан бўлиб ўтган суҳбатдан мамнуният изҳор этсам, ҳамманинг фикрини билдирган бўламан, деб ўйлайман.

Шу муносабат билан аввал бошдаёқ бир гапни айтиб ўтмоқчиман. Баъзи ўртоқларнинг мана шундай фикрлашувлар етарли бўлмади, деган маънодаги фикрлари менга унчалик тушунарли эмас. Ҳозир биз ҳар икки ойда, баъзан эса ҳар ойда Марказий Комитетнинг Пленумларини ўтказаётганимизни эслатмоқчиман. Бу пленумларда биз қайта қуриш деб атаётган буюк революцион ишнинг амалда ҳамма жиҳатлари муҳокама қилинмоқда.

Аслида, Марказий Комитетнинг апрель Пленумидан бошлаб ўтказилган пленумларнинг ҳар бири жамиятимизни чуқур билиб олиш сари силжиш йўлидаги янги қадам бўлди. Мана шу таҳлил ва янги билимлар асосида янгича ёндашувлар ишлаб чиқилди, жамият турмушининг барча соҳаларидаги янги қадамлар чамалаб кўрилди. Мен ҳар бир пленумни жуда юқори баҳолаган бўлур эдим, уларнинг ҳар бири осонликча ўтказилгани йўқ, уларнинг ҳар бири катта коллектив меҳнатнинг натижаси бўлди.

1987 йилдаги январь ва июнь Пленумларини эсга олайлик, уларда сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар концепцияси ишлаб чиқилди ва биз ҳали ўша пленумларда белгилаб берилган режаларнинг ҳаммасини ҳам амалга оширганимизча йўқ. 1988 йилги февраль Пленумида қайта қуришни мафкуравий жиҳатдан таъминлаш масалалари, бу ишнинг умумий йўналишлари хусусида бафуржа гаплашиб олинди. Шу йилги март Пленуми партиянинг аграр сиёсатида муҳим босқич бўлди. Янги пленумларга тайёргарлик кўрилмоқда.

Ички партиявий фаолият, партия турмуши масалалари, эҳтимол, етарли равишда кенг ва коллектив бўлиб муҳокама қилинмагандир. Аммо биз пленумлар — айни пленумлар доирасида энг асосий масалалар ишлаб чиқиладиган ва унинг принципиал қарорларида мустаҳкамлаб қўйиладиган бўлишини кўзлаб, кейинчалик бу қарорлар партия ташкилотларининг фаолиятида таянч нуқтаси, мезон бўлиб қоладиган тарзда ҳаракат қилишга интилиб келдик.

Қайта қуришнинг ҳозирги революцион босқичида Сиёсий бюро ҳам, Марказий Комитет секретарлари ҳам айни партия турмуши ва фаолияти масалаларига кўпроқ эътибор беришлари керак. Чунки бу иш ҳозир айниқса партия ташкилотларимиз дуч келаётган ҳамма мушкулликлар, партия турмушида вужудга келаётган муаммолар, партия Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, аппарати томонидан тезроқ пайқаб олиниши ва таҳлил этилиши лозим, шу тариқа муқобил алоқа асосида партия ташкилотлари ва партия комитетлари муайян тавсиялар, маслаҳатлар оладиган бўлсинлар.

Дарҳақиқат, эҳтимол, энг муҳими шундан иборатдирки, оқибат натижада қайта қуриш КПСС тутган принципиал позициясиз бошлана олмаган бўлур эди, унинг сиёсати ва стратегияси шакллантирилмаган бўлур эди, ўртоқларнинг нутқларида ҳам мана шунга эътибор қаратилди.

Бугун ҳам, башарти, қайта қуриш ғояларининг ташаббускори, унинг ташкил этувчи, жипслаштирувчи ва ишонтирувчи кучи бўлмиш партиямиз фаол ҳаракат қилмаса, қайта қуриш муваффақиятли бора олмайди. Мана шу нуқтаи назардан, ўртоқларнинг бугунги нутқларида баён этилган, дарвоқе Марказий Комитетнинг апрель Пленумида айтилган фикрларни ҳамма-ҳаммасини яхши ўйлаб кўришимиз керак. Яхши ўйлаб кўриб, олисни кўзловчи хулосалар чиқариш лозим.

Мен айтмоқчи бўлган биринчи гап — мана шу.

Партия ҳақида, у ҳозир, революцион қайта қуриш амалий ишга айланган бир пайтда қандай ҳаракат қилиши лозимлиги тўғрисида бўлиб ўтган ўткир, рўй-рост фикрлашувлар жуда зарур эди. Мана шу жуда мураккаб бурилиш пайтида оддий ва осон ечимлар йўқ ва бўлмаслигига яна бир ишонч ҳосил қилаяпмиз, ўртоқлар.

Бу — ҳозирги мураккаб конкрет шароитдаги жамиятнинг социал-иқтисодий соҳасида ва кайфиятларида кескин вазият вужудга келган бир пайтда партиянинг фаолиятини муҳокама қилишдан келиб чиқадиган хулосадир.

Шуни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман: оддий ечимлар йўқ ва яқин орада бўлмайди ҳам. Эски «яхши замонлар»ни ҳамон айрим кимсалар қўмсаётганлиги сезилиб турган бўлса ҳам, аммо ўша замонларга қайтиш йўқ ва қайтилмайди ҳам.

Турмуш ўртага қўйган саволларга жавобларни шундан қидирмоқ керакки, ўз йўлимизни прогрессив тарзда қуриб олишимиз ва шу йўлдан олға боравершимиз, партия фаолияти ёндашувлари ва усулларини такомиллаштириш, жамиятнинг сиёсий авангарди бўлмиш партиямиз замиридаги жуда катта имкониятларни рўёбга чиқариш керак. Агар кимда-ким, ҳар ҳолда ҳозир кескинлашган мана шу вазиятни ва кескинлашган мана шу жараёнларни эски усуллар ва ёндашувларга таяниб, эскичасига ҳаракат қилиб жиловлаб олиш мумкин, деган хаёлга бораётган бўлса, у жуда катта ва жуда чуқур янглишади. Бу гапни мутлақо аниқ ва равшан қилиб айтмоқ керак.

Эҳтимол, бу гап ҳаммага ҳам ёқмас. Бироқ, мен докладда ҳам, ҳозирги якунловчи нутқда ҳам шуни тўппа-тўғри ва ошкора айтмасам, ўз бурчимни бажармаган бўлур эдим.

Янгиланиб бораётган жамиятда партия доимо янгиланиши керак. Биз илгари ҳам айтиб ўтганимиздек, ҳамма нарса партиядан бошланиши лозим. Бунинг устига, партияни янгилаш жараёнлари унинг фаолият усулларини такомиллаштиришдан ҳамиша илдамроқ бориши керак. Шундагина янгиланиб бораётган партия қайта қуришнинг замонавий илғор сиёсати ишлаб чиқилишини ва бу сиёсатнинг тегишли ташкилотчилик, мафкуравий иш даражаси орқали, замон руҳига мос келадиган жуда самарали интенсив кадрлар сиёсати орқали амалга оширилишини таъминлай олади. Шундагина партия жамиятнинг сиёсий авангарди вазифасини бажара олади.

Янгиланиб борувчи партиянинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди. Чунки у қайта қуришнинг тақдирини ҳал этадиган ҳаётий муҳим вазифаларни бажаради, бу вазифаларни у революцион куч тарзида ҳаракат қилган тақдирдагина амалга ошира олади.

Ишимизни таҳлил этишда хато қилмаслик учун мана шуларнинг ҳаммасини кўриш ва тушуниш керак, ўртоқлар. Энг муҳими эса — партия доимо мустаҳкамланиши учун, унинг куч-ғайрати, нуфузи, унинг революцион қудрати ошиб бориши учун ҳамма ишни қилишдан иборат. Бу ҳақда яна бир бор гапираётганимнинг сабаби шуки, жамиятнинг бир қисмида туб бурилиш босқичида партия ўзи эълон қилган, бутун жамиятни даъват этган ва унга бошчилик қилган йўлдан, революцион қайта қуришдан қайтмаяптими?— деган шубҳа пайдо бўлди. Бу шубҳа нотўғри эканини биз кун сайин аниқ-равшан ишлар билан, ҳатто озгина бўлса ҳам яхшилик сари силжиш билан, партия комитетларининг, коммунистларнинг, бошланғич партия ташкилотларининг фаол позицияси билан исботлаб боришимиз керак. Аммо бизнинг бу соҳадаги ишимиз ҳали етарли эмас.

Партиянинг обрў-эътиборини қонун билан белгилаб бўлмайди. Ҳозир ҳеч қандай қудратли декрет ёки қарор билан бундай қилиб бўлмайди. Биз қайта қуришнинг биринчи босқичида жамиятга қайта қуриш сиёсатини таклиф этиш билан обрў-эътибор қозондик. Жамият ҳам партияга ишонди, уни қўллаб-қувватлади ва унга эргашди. Ҳозир қайта қуриш сиёсатини қатъият ва изчиллик билан турмушга татбиқ этиш орқалигина обрў-эътибор қозониш мумкин. Партия обрў-эътибор қозониши учун бундан бошқа йўл йўқ ва бўлмайди ҳам. Агар кимдир бошқа бирон нарсага умид қилаётган бўлса, бу — реал эмас, ўртоқлар.

Шу сабабли турмушдан ўзни четга олмай, балки унга пешвоз чиқиш керак. Турмуш нақадар мураккаб бўлмасин, унда бизнинг ижтимоий жараёнлар ҳақидаги тасаввурларимизни умуман ўзгартириб юборадиган ғайри одатий ўткир вазиятлар қанчалик учрамасин, шу жараёнларга дадил бормоқ керак.

Модомики, қайта қуриш — революция экан (биз бу фикрга қўшилганмиз), модомики, бу мулкчилик муносабатларини, инсоннинг мавқеини, сиёсий системанинг асосларини, маънавий соҳани чуқур ўзгартиришни билдирар экан, модомики, у халқни жамиятдаги ўзгаришларнинг ҳақиқий кучига айлантирар экан, ҳамма нарса сокингина ва силлиққина ўтавериши мумкинми, ахир?

Революцион жараёнлар ҳақиқатга айланганида саросимага тушиш керакми, ахир? Биз ўз сиёсатимиз билан шу жараёнларни юзага келтирдик-ку. Буларнинг ҳаммасини муҳокама қилаётганимизда шундай бўлишини тушунмаганмидик? Биз қайта қуриш вазифасини аниқ-равшан қилиб қўйган эдик-ку, ахир. Шу сабабли жамият қайта қуриш йўлига ўтди. Модомики, шундай экан, партия бу шароитда сиёсий авангард сифатида фаол ҳаракат қилиб, омма орасидаги ўз ишини такомиллаштириши лозим. Теварак-атрофда жамият туғён ураётган бўлса-ю, баъзи ўртоқлар кабинетларда ўтириб олиб, нималар бўлаяпти ўзи, шу ишларни бошлашимиз керакмиди?— деб ўйлайдиган вазият бўлиши мумкин эмас-ку, ахир. Наҳотки шундай мулоҳаза юритиш мумкин бўлса? Жамият қайта қуриш ғоялари ва моҳиятини кимдандир қарз олинган қандайдир бегона қадриятлар асосида эмас, балки социализм доирасида, шу тузумнинг салоҳиятини халқ манфаатлари йўлида намоён этган социалистик демократия доирасида идрок қилди-ку, ахир. Буларнинг ҳаммаси Ленин таълимотига мувофиқ келади. Социализм демократия орқали ўсиб чиқади ва меҳнаткашларнинг тузуми сифатида фақат демократия орқали амалга ошади.

Ҳозир авж олиб кетган қайта қуриш жараёнлари турмушимизнинг ҳамма соҳаларини қамраб олмоқда. Бу жараёнларда ғайриодатий нарсалар, баъзан идрок этиш жуда қийин бўлган нарсалар кўп. Бу эса қўшимча кескинликни вужудга келтирмоқда. Аммо революцион йиллар бўлганидан кейин шундай бўлади-да! Биз буларнинг ҳаммасини тушунишимиз ва революцион партия сифатида ҳаракат қилишимиз керак, акс ҳолда партия орқада қолаётганини кўриб, ташаббусни қўлга олишга киришадиган кучлар топилиб қолади. Шундай уринишлар бўлаяпти ҳам. Кўп минглаб коммунистларни бирлаштирган, ўз газеталарига, ўз профессионал кадрларига, ҳамма нарсага эга бўлган партия ташкилоти дафъатан ташаббусни қўлдан бой бера бошласа, нима бўлади ўзи?

Бунинг сабаби битта — демак, биз орқада қолаяпмиз, демак, бирон-бир жойдаги сўзимиз билан ишимиз орасида, омма билан партия орасида узилиш содир бўлаяпти, ҳолбуки, партия авангард сифатида олдинда бориши, олисни кўриши ва бошқалардан кўпроқ иш қилиши керак. Биз бўлсак, бу имкониятни бой бериб қўймоқдамиз ва кўпинча бошқа кучлар бундан фойдаланиб қолмоқдалар. Ҳа, мана шундай бўлаяпти. Бу аҳволдан қутулишнинг ҳам иложи битта — одамларнинг манфаатлари, уларнинг муаммолари ҳамиша аниқ-равшан ва ўз вақтида муҳокама қилиб, ҳал этилиши керак. Биз халқ манфаатларини кўзлаб сиёсат юритар эканмиз, доимо халқ билан бирга бўлишимиз керак.

Ҳозирги мураккаб вазиятда партиянинг тақдири ҳақида ташвишланмаслик масъулиятсизлик бўлур эди. Чунки партиянинг тақдири қайта қуришнинг тақдири, мамлакатнинг ва социализмнинг тақдири ҳамдир. Бироқ, умидсизликка берилиш ҳам масъулиятсизлик бўлур эди. Революцион қайта қуриш жараёнида партиянинг янги қиёфаси юзага келмоқда. Унинг фаолият услуби ва усуллари янгиланмоқда, бутун мана шу революцион

(Давоми иккинчи бетда).

# СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА

19 июль куни эрталаб соат 10 да Кремлда СССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттирди.

Раислик қилувчи **М. С. Горбачев** палаталарнинг қўшма мажлисини оча туриб, кун тартибида СССР халқ депутатларининг съезди СССР Олий Советига юклаган топшириқларни бажаришга оид ишларни ташкил этиш тўғрисидаги масала борлигини айтди. А. И. Лукьянов доклад қилади.

Аммо, ўйлайманки, Олий Советда аввало Кузбасс ва Донбассда вужудга келган конкрет сиёсий вазият тўғрисида гаплашиб олиш керак, деб таъкидлади раислик қилувчи, Ана шу регионлардаги аҳвол мураккаб бўлиб, бугунги кунда ҳам ҳамон кескин бўлиб турибди.

Кемеровода комиссия маҳаллий партия, совет органлари билан биргаликда, областдаги иш ташлаш комитети билан биргаликда шу жойнинг ўзида ҳал этиладиган барча энг зарур масалаларни кўриб чиқди. Комиссия билан иш ташлаш комитети ўртасида яхши амалий муносабат вужудга келди. Бундай вазиятда Кузбасс тараққиётида тўпланиб қолган қийин муаммоларни муҳокама қилиш мумкин.

Ишчилар кескин вазиятда ҳамон масъулиятни ҳис этиб, интизом билан уюшқоқлик кўрсатмоқдалар. Жиноятчилик ва мастлар деярли йўқ. Вино магазинлари ёпиб қўйилган. Ишчилар синфи ғоят юксак уюшқоқлик кўрсатмоқда.

Шу билан бирга кўпгина масалалар пухта ўрганиб чиқишни тақозо этишни ҳам айтиб ўтмоқ керак, шахтёрлар эса шу заҳотиёқ жавоб олишни истайдилар. Кузбассда рўй берган вазият тушунарлидир, бироқ реал имкониятларни ҳисобга олиш лозим. Бир қанча масалаларга жавоб қайтариш учун бир неча ҳафта, уларни пухта ўрганиб чиқиш учун бир ой зарур. Гарчи забастовка комитети бу жуда катта масалалар эканлигини ва уларни бирданига ҳал этиб бўлмаслигини тушунсада, шахтёрлар бунга ҳозирча рози бўлмаётганлари кўриниб турибди. Ҳозир комиссия ва область забастовка комитетининг аъзолари сўзга чиқаётган митингларда ана шу муаммолар муҳокама қилинмоқда.

Вужудга келган аҳвол иқтисодий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам қанчалик мураккаб эканлигини ҳаммангиз биласиз. Унинг тасдиғи сифатида мамлакат ҳозирнинг ўзидаёқ бир миллион тоннадан кўпроқ кўмир олмаганлигини айтмоқчиман — бундай қолоқликнинг ўрнини тўлдириб бўлмайди.

Бундан ташқари Донбасс ҳам Кузбассга қўшилди. Бугунги кунда у ердаги бир қанча шахталарда иш тўхтатиб қўйилган. Кеча кечқурун биз Н. И. Рижков билан у ерга телеграмма юбордик. Телеграммада Кузбассга оид қабул қилинадиган барча тадбирлар умумтармоқ аҳамиятига эга бўлиши ва Донбасс кончиларига ҳам жорий этилиши тушунтириб берилган. Бу тўғри, деб ўйлайман. Гап масала меҳнат стажини ҳисоблаш тўғрисида бормоқда. Афтидан мунозаралардан бирида кимдир шахтёрларга улар шу пайтгача бўлганидек 10 йил эмас, балки 15 йил ишлаган тақдирда махсус пенсия берилиши керак, деган гаплар айтган кўринади. Кимдир шундай гап тарқатган ва бу гап шахтёрлар қулоғига етган. Аммо расмий нуқтаи назар шундай — илгари 10 йил бўлган бўлса, ҳозир шундайлигича қолади. Тунги сменада ишлаганлик учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги масала ўртага қўйилмоқда.

Кимлардир темир йўл машинистларини 1 августдан бошлаб забастовкага қўшилишга даъват этаётганлиги тўғрисида маълумотлар олинмоқда. Бундай вазиятда биз вазминликни сақлаб қолишимиз, аммо кўнгилчанлик қилиб, бекор ўтирмаслигимиз керак. Шу муносабат билан биз партия Марказий Комитети номидан барча партия комитетларига мурожаат қилиб, улар ҳозирги пайтда одамлар билан фаол иш олиб боришларини ва энг аввало, Марказий Комитет, Олий Совет, ҳукумат воқеаларнинг бундай ривожланиши биз белгилаб олган ва ҳал этишга киришган жуда катта режаларни рўёбга чиқаришни хавф остига қўяди, деб хавотирланаётганлигини меҳнаткашларга етказишларини айтдик. Бу энг аввало иқтисодий, социал соҳага тааллуқлидир. Мамлакат вазиятни қўлдан бой бермаслик учун қандай усулларни қўлланиш кераклиги тўғрисида ўйлаш лозим бўлган вазиятга тушиб қолиши мумкин. Ўртоқлар буни хоҳлайдими ёки йўқми, вужудга келган вазият биз амалга ошираётган барча ишларга зарба бериши мумкин.

Балки бу кимгадир қўл келаётгандир. Кемеровода коммунизм ва социализмни бир ёқлик қилиш ҳақида чақириқлар пайдо бўлиб қолди, аммо ишчилар бу шиорларни қатъият билан рад этдилар. Кескинликдан ва ишчиларнинг норозилигидан фойдаланишга уринаётган, ўзларининг экстремистик ва антисоциалистик шиорларини пеш қилаётган «жарчилар ҳам пайдо бўлиб қолди». Масала жуда жиддий. Гапимизни ишчилар эшитадилар ҳамда Олий Совет, партия органлари ва ҳукуматнинг ташвишлари моҳиятини англаб оладилар, деб умид қиламан.

Назаримда, жуда кескин шаклда юзага чиққан бўлса ҳам ишчиларнинг ташвиши идрок қилиниши ва улар кўтарган барча масалалар кўриб чиқилиши керак. Аммо биз экономика, социал ва маданий соҳаларда, миллатлараро муносабатларда, сиёсий жараёнда етилган масалаларни фақат қайта қуриш йўлларидагина ҳал эта олишимизни тушуниб етишимиз керак. Агар кимки, гўё ҳукумат, эндиликда эса Олий Совет ресурсларни ушлаб турибди ва халқ манфаатлари йўлида фойдаланилиши лозим бўлган ушбу ресурсларни бошқа мақсадларга йўналтирмоқда, деб ўйласа янглишган бўлади. Назаримда, кузбасслик ишчилар буларнинг ҳаммасини ҳис этиб турибди. Ортиқча запаслар у ёқда турсин, ҳозирги ҳолда ишга солиниши ва мушкулни осон қилиши мумкин бўлган қандайдир номаълум запаслар ҳам мамлакат қўлида йўқ. Ресурслар ва имкониятларни фақат қайта қуриш йўлларида ҳамда қайта қуриш доирасида амалга оширилаётган ўзгаришларни қатъият билан рўёбга чиқарибгина олиш мумкин, буни кузбасслик ишчилар тушуниб турибдилар ва мен буни жуда юксак қадрлайман.

Одамлар масалани қатъият билан ўртага қўйдилар — мен ҳам буни қўллаб-қувватлайман, Олий Совет ҳам қўллаб-қувватлайди деб ўйлайман, —шошилинч тусдаги ва ҳал этилиши учун имкониятлар бор бўлган барча масалаларни шак-шубҳасиз ҳал қилиш лозим. Муайян муддатга мўлжалланган бошқа масалаларни кўриб чиқиш ва янги имкониятлар пайдо бўлишини ҳисобга олиб қарорлар қабул қилиш керак. Уларни марказда ҳам, жойларда ҳам албатта назорат остига олиш керак. Ишчиларнинг ўзлари ҳам назорат қилишсин.

Кузбассдаги воқеалар шундан далолат бериб турибдики, ҳақиқатан ҳам жойларда ислоҳот — мен буни Ижор заводи ишчилари, ленинградликлар билан суҳбат чоғида ҳам, Ленинградда область партия комитети аъзолари билан суҳбатлашганимда ва уларнинг нутқларини тинглаганимда ҳам ҳис этдим — юқорида масалаларнинг ҳал этилмаганлиги ҳам жойларда ишларни қатъият билан ўзгартириш истаги бўлмаётганлигига ҳам тақалиб турибди.

Шуни айтишим керакки, ишчилар безовта бўлишаётганида жон бор. Улар қатъият билан ислоҳотни давом эттириш кераклигини айтмоқдалар ва уларни қўллаб-қувватлаш лозим. Бу жуда муҳимдир. Одамлар ислоҳотни давом эттириш тарафдоридирлар. Кузбассликлар шахталарда корхоналарнинг ҳуқуқи йўқлиги учун норозилар ва шу ҳуқуқларни талаб қилмоқдалар. Улар хўжалик юритишни, яхшироқ ишлашни, яхшироқ натижаларга эришишни ва шу асосда даромадларни кўпайтиришни ва даромадларни омилкорлик билан сарфлаб иш ҳақининг оширилишини, энг асосийси эса социал қайта қуриш программасини авж олдириш ва рўёбга чиқаришни истайдилар. Бу масаланинг тўғри қўйилишидир. Аммо, ишнинг тўхтатилиши, Кузбасс ва Донбассдаги энергетика корхоналарининг иши тўхтаб қолиши, бунинг устига агар яна темирйўлчилар ҳам қўшилгудек бўлсалар, бу жуда мушкул иқтисодий, социал ва сиёсий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бутун масъулиятни зиммага олиб, бу бизнинг йўлимиз эмас, дейишимиз керак. Ўзгаришлар йўлидан бориш, қаршилик қаердан чиқишидан қатъи назар уни бартараф этиш, экономиканинг етилган масалаларини, социал муаммоларни яна ҳам тезроқ ҳал этиш, янги натижаларга, яна ҳам юксакроқ унумдорликка ва иқтисодий самарадорликка эришиш керак. Бу бизнинг йўлимиздир. Шунинг учун ҳам ҳузурингизда гапиришга даъват этган фикрларга сиз ҳам қўшиласиз, деб умид қилишни истар эдим.

Минбарга макеевкалик депутат **А. Н. Саунин** чиқади. У Донбассга бориб, кончилар билан учрашганини ва ҳозиргина қайтиб келганини айтди. У ерда вазият мураккаб бўлиб турибди: агар кеча 20 та шахта ишламаган бўлса, бугун эрталаб 58 та шахта ишламай қўйди. Нотиқ, айни вақтда ишчилар синфи уюшқоқлик кўрсатаётганлигини, шаҳарда жамоат тартибини бузиш ҳоллари йўқлигини, кончиларни сиёсий шиорлар билан чиқишга тойдириб юборишга уринишларга зарба берилаётганлигини таъкидлади. Ушбу воқеаларнинг сабаблари хусусида ўз фикрини айтар экан, депутат Кузбасс атрофида содир бўлган вазият сабабли Донецк кончилари умуман мамлакат бўйича эмас, фақат битта регион хусусидагина қарорлар қабул қилинади, деб ташвишга тушганликларини айтди.

Донбассда илгари сурилган талабларнинг барча 55 банди адолатлидир, деди нотиқ. Ушбу талаблар тармоқда ва регионда тўпланиб қолган муаммолар оқибатидир. Бир қанча масалалар ўша жойда ҳал этилди. Аммо, бир қанча йирик муаммоларни ҳукумат кўриб чиқиши керак. Депутат шу масала хусусида Н. И. Рижков билан учрашганлигини айтди. Барча масалаларни дарҳол ҳал этиш мумкин эмаслигини тушуниб олиш зарурлиги таъкидланди. Аммо кончилар бунинг учун аниқ, конкрет муддатлар айтилишини кутиб турибдилар. Кузбассда ишлаётган комиссия тармоққа тааллуқли бир қанча қарорларни қабул қилди, булар орасида, жумладан, тунги ва кечки сменаларда ишлаганлик учун қўшимча ҳақ тўлаш, ягона дам олиш куни таъсис этиш тўғрисидаги қарорлар ва бошқа қарорлар бор.

Муҳокама қилинаётган вазият муносабати билан нотиқ қуйидагиларни таъкидлади: давлат ҳокимияти олий органининг депутатлари мамлакат тақдири учун масъулиятни обдон ҳис этишлари, ўткир муаммолар хусусида конкрет қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишга асосий эътибор беришлари керак. У босқичларнинг зарурлиги ва ўзгаришларни аста-секин амалга ошириш кераклиги тўғрисидаги тезисни танқид қилди. Шу тахлитда иш тутиш бизга зарар келтиради. Ҳамонки, устун йўналишлар белгилаб олинган экан, шу йўналишларда қатъият билан ҳаракат қилиш керак.

Депутат Донбасс кончиларига мурожаат қилар экан, уларни ақл-идрок билан иш тутишга, иш ташлашнинг ҳар бир куни неча миллионлаб сўмларнинг совурилишига олиб келишини тушуниб олишга даъват этди, бу маблағлар иш ташлаганларнинг талабларини амалга оширишга сарфланиши мумкин эди.

Ўз номини айтмаган депутат Олий Совет номидан иш ташлаганларга мурожаат қилиб, уларни иш бошлашга даъват этишни таклиф қилди. Улар ҳозирги аҳволнинг мураккаблигини ҳис этишлари, ўз ҳаракатларининг оқибатлари хусусида ўйлаб кўришлари керак,- мамлакатда кетма-кет иш ташлашлар бўлишига йўл қўйиб бўлмайди.

Депутат **Г. Ф. Леженко** металлурглар учун асосий хом ашёни бераётган кончилар ҳам ер остида ишлаётганликларига эътиборни қаратди. Лекин уларнинг кўпчилиги кўмир қазиб олувчилар фойдаланаётган имтиёзлардан ҳам маҳрумдирлар. Бу ерда шахтёрларнинг аҳволи ҳақида ташвиш билан гапирилмоқда. Лекин металлургия эҳтиёжи учун ишлаётган кончиларни ҳам унутмаслик керак. Кузбасс ва Донбассдаги иш ташлашлар сабабли металлургия корхоналари тўхтаб қолиши мумкин. Нотиқ, ана шу тармоққа диққат-эътиборни қаратишга даъват қилди.

Депутат **В. Я. Медиков** Кузбассдаги область иш ташлаш комитети бугун иш ташлашни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилганлигини айтди. Кузбассликлар иш ташлаши умумиттифоқ иш ташлашига айланиб кетишини истамайдилар, улар бундай иш ташлаш мамлакатда тартибсизликлар келтириб чиқаришини тушуниб

(Давоми иккинчи бетда).

## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

20 июль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда Фарғона областидаги фожиали воқеалар ҳамда партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг масъулияти тўғрисидаги масала тингланди.

(Ушбу масалага доир қарор, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети комиссиясининг хати матбуотда тўла-тўкис эълон қилинади).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг ўзбек халқига, республиканинг барча аҳолисига Мурожаатномаси текстини маъқуллади.

Бюро мажлисида ижтимоий-сиёсий тусдаги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

## КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

19 июль куни 1939 йилдаги ҳужум қилмаслик тўғрисида Совет — Германия шартномасига сиёсий ва ҳуқуқий баҳо бериш комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. А. Н. Яковлев раислик қилди. Ўша пайтга оид илгари эълон қилинган ва янги аниқланган ҳужжатлар воқеаларнинг кейинги ривожланиши муносабати билан қандай тадқиқ қилинаётганлиги тўғрисида фикрлашиб олинди.

Комиссия аъзолари ҳуқуқий давлатни барпо этиш вазифаларига мувофиқ муаммонинг ҳамма жиҳатларини аниқ ва холисона баҳолаш муҳимлигини таъкидладилар.

(ТАСС).

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

21 июлда йигирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент область Советининг ўнинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессия бошланиши олдидан Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари Р. А. Попов раислигида партия группасининг мажлиси бўлди. Унда область ижроия комитети раисининг ўринбосари, коммунист депутат Д. Н. Жаҳонгированинг соғлиқни сақлаш органларига берилган объектларни ўзлаштириш ва фойдаланишга топшириш бўйича ҳисоботи тингланди.

Сессияни халқ депутатлари область Советининг раиси А. П. Алимов очди.

Кун тартибидаги биринчи масала — гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари ва якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантириш бўйича вазифаларни ҳал қилишда совет ва хўжалик органларининг масъулиятини ошириш тўғрисида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. Мирқосимов доклад қилди.

Тошкент область Совети ижроия комитетининг раиси А. А. Йўлдошев халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш ва аҳолига пулли хизмат кўрсатишни ривожлантириш комплекс программаси бажарилишининг бориши тўғрисида доклад қилди.

Шунингдек депутатлар халқ депутатлари область Советининг тўққизинчи сессиясида билдирилган танқидий мулоҳазалар ва таклифлар амалга оширилишининг боришини кўриб чиқдилар, ташкилий масалалар бўйича қарорлар қабул қилдилар.

**(Область Советининг сессияси тўғрисидаги ҳисобот газетанинг яқин кунлардаги сонларидан бирида эълон қилинади).**

## «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР! 1990 йил газета ва журналлари учун обуна қилиш давом этмоқда. Келаси йил ҳам «Тошкент ҳақиқати» газетасини мунтазам олиб туришни истасангиз шу кунларда унга обуна бўлишни унутманг. Бунинг учун «Союзпечать» агентлигига ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турар жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилсангиз бўлади. Улар Сизни келаси йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишади.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна исталган муддат учун чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Газетанинг ОБУНА БАҲОСИ бир йилга — 7 сўм 68 тийин, олти ойга — 3 сўм 84 тийин.

# М. С. ГОРБАЧЕВнинг КПСС Марказий Комитетидаги кенгашда сўзлаган якунловчи нутқи

(Давоми. Боши 1-бетда).

жараённи ўз зиммасига олиб, олға силжитишга тайёр бўлган янги навқирон кучлар партия сафига қўшилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси оғриқли тарзда қийинчилик билан рўй бериши табиий. Принцип жиҳатдан айни шундай бўлиши ҳам керак. Революция даври — роҳат-фароғат вазияти эмас.

Баъзи бир аниқ-равшан масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман. Бу ерда бошланғич партия ташкилотини тузукроқ қўллаб-қувватлашимиз керак, деган масала тўғри қўйилган. Фаолиятимизни айни шу соҳага эътиборимизни кучайтириш нуқтаи назаридан ҳам, партия ташкилоти бутун партия турмушини кучли равишда олға силжитишга ва бутун партияни фаоллаштиришга имкон берадиган восита эканлиги нуқтаи назаридан ҳам бу масала тўғри қўйилган. Хуллас, бу — жамият партиядаги ўзгаришларни, унинг янги жўшқинлигини, янги услубни, янги иш шаклларини, одамларга яқинликни ҳис этиб олишига ёрдам берадиган энг яхши усулдир. Келгусидаги ҳисобот-сайлов кампанияси муносабати билан бунинг учун кенг имкониятлар очилади. Шундай қилиш керакки, цехларда, митингларда, уйларда муҳокама қилинаётган масалалар партиявий мунозараларнинг марказида турадиган бўлсин. Партия атрофида ҳамма воқеалар жўш урганида кўпгина партия ташкилотлари эснаб ўтирадиган аҳволга тушиб қолиши ярамайди.

Партия турмуши шунақа бўлиши керакми, ахир? Бунинг кимга кераги бор, ўртоқлар? Бундан чиқадиган хулоса шуки, ҳисобот-сайлов кампаниялари чоғида партия ташкилотларининг иши тўғрисида талабчанлик билан батафсил гаплашиб олинадиган бўлсин, бу ташкилотларга ҳозир коммунистлар орасида ҳақиқий обрў-эътибор қозонган кишилар бошчилик қилсинлар. Биз кадрларни қўллаб-қувватлашимиз керак, албатта. Биз шундай қиламиз ҳам. Аммо партиянинг обрў-эътиборини мустаҳкамлашнинг бош шарти шундан иборатки, партиянинг ўзи жўшқин ҳаракат қиладиган бўлсин, у одамларга яқин турсин, етилган масалаларни одамлар билан биргаликда ҳал қилсин. Шундай бўлмас экан, хатарли тафовут пайдо бўлиб қолади.

Мана энди мен мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг кескинлашишига жуда кучли таъсир ўтказаётган масалага яқинлашиб қолдим. Бунда гап кундалик турмушнинг ҳал этилмаган кўпгина масалалари ҳақида бормоқда. Буни мен Ленинградда, биз кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган цехга кирганимизда ва одамлар қандай шароитда ишлаётганини кўрганимизда жуда ўткир ҳис қилганимни яна бир бор айтмоқчиман. Иш жойлари ибтидоий асбоб-ускуналар билан таъминланган, чанг-тўзон ичида одамлар оғир қўл меҳнати билан шуғулланмоқдалар, бино шамоллатиб турилмас экан. Принцип жиҳатдан илғор бўлган корхонадаги аҳвол мана шундай. Чангдан нафас ололмай ишлаётган эканмиз, бунинг нимасини қайта қуриш, деб бўлади, дейишди менга ишчилар. Икки йилдан кейингина цехдаги вазиятни соғломлаштириш, унинг муаммоларини ҳал этишни мўлжаллаб туришгани бундан ҳам ёмон. Бу ерда партия ташкилотининг позицияси қани? Унинг ўз обрў-эътибори билан аралашуви қани?

Бундай ишлаб бўлмайди! Бирлашманинг кўп минг кишилик коллективи хўжалик усулида йилига биттадан уйни қуриб битказмоқчи бўлиб турибди. Мен Украинадаги кон-шахта машина-ускуналари заводида ҳам бўлган эдим, у ерда 5 минг киши ишлайди, ҳар йили икки-учтадан уй қурилади. Шунинг учун ҳам одамлар: ҳозирги директоримиз яхши, ғамхўр киши, деб қувонч билан гапирмоқдалар. Гарчи ҳали у кўп иш қилиши керак бўлса ҳам, бу ердаги одамларнинг кайфияти дуруст.

Йўқ, ўртоқлар, партия ташкилотларини ва кадрларимизни барча қайта қуриш жараёнларига фаол жалб этиш орқали, улар аввало экономика, социал соҳаларда рўй бераётган ўзгаришларни сиёсий позицияларда туриб баҳолайдиган бўлишлари орқали уларни ҳимоя қилишимиз керак. Партия ташкилотлари ва кадрларимиз бу масалаларни партиявий тарзда ўртага қўядиган бўлсинлар. Биз бўлсак, кўпинча эскичасига иш кўраётганларни паноҳимизга оляпмиз. Бунинг сабабини биласизларми? Сабаби шуки, кўп йиллар давомида биз ҳамма ишни зиммага олишга одатланиб қолганмиз ва ҳозир ҳам шундай қилиб келяпмиз, ҳолбуки, биз ҳар бир кишидан ўз иши учун кўпроқ талаб қилишимиз керак. Кимки советларда бўлса, ўз участкаси учун, кимки корхонада бўлса, ўз иши учун жавоб берсин. Булар асосан коммунистларку, ахир. Ишлайверсинлар.

Айни вақтда назария, сиёсат ва партия фаолияти масалалари жуда ташлаб қўйилди. Шунинг учун ҳам биз кўп хатоларга йўл қўймоқдамиз. Буларнинг ҳаммасини тўғрилаш керак.

Ҳозир, ўртоқлар, биз ўз обрў-эътиборимизни иш билан мустаҳкамлашимиз, ҳар куни, ҳар ҳафта, ҳар ойда кичик бўлса ҳам ғалабалар қозонишимиз жуда муҳимдир. Эртага бирон-бир тақчилликни тугатиш, қалтис экологик масалани ҳал этиш, транспортнинг ишини йўлга қўйиш биз учун жуда керак. Масалаларни айни шу тарзда қўйиб, ҳал этиш лозим. Агар партия ташкилотлари, партия комитетлари бунга кўмаклашсалар, ишончни йўқотишимиз ҳақида гап ҳам бўлмайди.

Бу ерда шу хусусда айтилган ҳамма гапларга бўлмасада, ҳар ҳолда ўртоқларнинг кўпгина гапларига қўшиламан. Фикрлашувда шундай бўлади ўзи. Ўйлайманки, бу фикрлашув чоғида биз ҳозирги даврнинг нақадар масъулиятли эканини ва биз муҳокама қилаётган муаммо — барча соҳаларда қайта қуриш давом этаётган, партия ва хўжалик органларининг вазифалари бир-биридан чегаралаб қўйилаётган пайтда партия қандай ҳаракат қилиши лозим, деган муаммонинг муҳимлигини ҳис қилиб олдик. Шу нуқтаи назардан фикрлашув фойдали бўлди.

Партия олдида пайдо бўлган муаммоларни, қайта қуриш жараёнида, партиянинг ўз ишида вужудга келган чигалликлар ва қийинчиликларни муҳокама қилишнинг бутун жараёни жамланадиган бўлса, ҳамма иш кадрларга бориб тақалишини рўй-рост айтмоқ керак. Шу сабабли, келинглар, бу ишни нимадан бошламоқ кераклигини партиявий принципиал позицияларда туриб аниқлаб олайлик. Аввало, бу — кадрларнинг топширилган ишга, ўз вазифаларини бажаришга, қайси услубга амал қилинаётганига, у ёки бу ходим халққа нақадар яқинлигига, одамларни ўзига эргаштира олишига, революцион ўзгартишлар босқичида янги вазифаларни ўз гарданига олишга тайёрлигига муносабати масаласидир. Партиянинг бош вазифаси мана шундан иборат ва шу вазифа ҳал қилиниши керак. Шундай қилсак, бошқа ҳамма масалаларни ҳал этиш йўлига чиқиб оламиз.

Кадрларни янгилаб туриш, уларнинг сафига янги кучларни қўшиб туриш керак. Бунда меҳнат коллективи, район, шаҳар, область, ўлка, республика, Марказий Комитет ва Сиёсий бюродаги кадрларни янгилаш лозим. Бу иш ҳамма поғоналарга таалluқлидир. Ҳамма жойда, ҳар бир поғонада кадрларга оид етилган масалаларни ўз вақтида ҳал этиш лозим. Ёндашув мана шундай бўлиши керак. Бинобарин, биз бугун, эртага ва келажакда қандай яшашимизни халқнинг тақдирини, белгилаб берадиган революцион қайта қуриш манфаатларидан юқори, такрор айтаманки, шу манфаатлардан юқори ҳеч нарса йўқ. Ҳамма иш мана шунга бўйсундирилиши керак.

Кадрларга оид бутун сиёсатни айни шу позицияларда туриб бутун куч-қувват билан олиб бориш керак. Ҳозир бу ишни яхшилик сари ўзгартиришнинг калитидир. Кадрлар ишини партиявий, демократик руҳда олиб бориш, одамлар ҳақида ғамхўрлик қилиш лозим. Етилган ҳамма масалаларни зудлик билан ҳал этиш керак. Бу гап партия ва давлатнинг ҳамма бўғинларига тааллуқли эканини яна бир бор такрорлайман. Агар биз масалани шу тарзда қўядиган бўлсак, сирасини айтганда, бу масалада ҳам халқ бизни қўллаб-қувватлайди ва биз билан бирга бўлади. Кадрлар бошқачароқ, кучлироқ, ғайратлироқ, ташаббускорроқ ишлай бошлашлари керак. Қаердаки кадрларни ўзгартириш керак бўлса, янги кишилар иш бошига келиб фаол ҳаракат қила бошлашлари лозим.

Умуман, бугун партия Марказий Комитетидаги кенгашда бўлиб ўтган рўй-рост партиявий гурунгни табриклайман. Бу гурунг бизга керак эди, бу фикрга ҳаммамиз қўшиламиз. Бу партиявий гурунгдан биз зарур хулосалар чиқариб оламиз, деб умид қиламан.

Баъзи нотиқлар ҳар бир ҳолат хусусида тайёр концепция бўлишини партия Марказий Комитетидан, Сиёсий бюродан ўтиниб сўрадилар ва ҳатто талаб қилдилар. Партияни қайта қуриш концепциясини беринглар, ташкилий ишни қайта қуриш концепциясини беринглар, бошқа масалаларга оид концепцияларни беринглар, дейишди. Бу илтимосларда ўтмишнинг акс садоси, кўп йиллик тайёрга-айёрликнинг акс садоси эшитилди, деб ўйлайман. Бизда қайта қуришнинг умумий йўли бор, унга ёндашувлар ишлаб чиқилган. Бироқ, назаримда, ҳамма учун ва ҳар бир ҳолат юзасидан тайёр андозалар, рецептлар йўқ ва бўлмайди ҳам. Қайта қуриш йўлидан боргандагина биз коллектив тажриба орттирамиз, янги ёндашувларни аниқ бир шаклга киритамиз, белгиланган йўлга зарур тузатишлар қиламиз, уни тўлдирамиз ва ривожлантирамиз. Ҳаёт ўртага қўйган саволларга ҳеч биримизда тайёр жавоблар йўқ. Ҳамиша шундай бўлиб келган ва революцион даврда шундай бўлади ҳам.

Асосий нарса: социализм, халқ манфаати, демократия, ошкоралик ҳамда ғоялар ташаббускори ва ташкилотчи куч бўлмиш партия эканлиги аниқлаб олинди. Қолган ишларда мустақил ўйлаш ва мустақил ҳаракат қилиш, фикр юритиш, турмуш талаб қилаётган нарсаларни ўз вақтида пайқаб олиш керак. Ҳар бир конкрет вазиятда, ҳар бир регионда турмуш ҳар хил талабларни ўртага қўймоқда, янгича ёндашувлар ва ечимларни тақозо этмоқда.

Қайта қуриш шароитида ишлашни ўрганиб олиш керак, албатта. Дарсликлар ҳам, семинарлар ҳам, курслар ҳам зарур. Бу ҳақда неча марталаб гапирдим. Аммо, ўртоқлар, буларнинг ҳаммаси пассив, кутувчанлик позициясини, баъзи парткомлар ва партия ташкилотларининг партиявий тайёрга-айёрлигини асло оқламайди! Марказий Комитетнинг аъзолари бўлган биринчи секретарлар орасида ҳам шундай кайфиятлар бор. Биз партия билан халқнинг биргаликдаги улкан меҳнати билан тажриба ҳосил қиляпмиз. Бу тажрибанинг мавжудлиги жамиятни янгилаш соҳасидаги ялпи куч-ғайратларимизга боғлиқ бўлади.

Энди сизлар билан маслаҳатлашиш учун битта масала бор. Бу масала жамиятимизни жуда қизиқтираяпти. Гап аҳолининг кам даромадли табақаларига қандай қилиб тезроқ ёрдам бериш ҳақида бораяпти. Бу масалани СССР Олий Советининг ушбу сессияси иши тугагунга қадар ҳал этиш лозим бўлур эди. Халқ депутатлари съезди бу масала юзасидан принципиал қарорлар қабул қилди. Ҳозир ҳукумат маблағ манбаларини изламоқда. Бу манбаларни топиш осон эмас. Шу сабабли, эҳтимол, биз шундай иш қилармиз: партия взносларидан 500 миллион сўмни шу ишга берайлик, бу — йиллик жами взносларнинг тахминан 30 процентини ташкил этади. Ундай бўлса, келинглар, шундай қила қолайлик. Бу яхши тадбир бўлади. Қувватлайсизларми?

**Овозлар.** Қувватлаймиз.

**М. С. Горбачев:** Жуда соз. Ўйлайманки, бу ташаббуснинг бошқа издошлари ҳам топилади.

Омон бўлинглар, ўртоқлар, ишларингизда муваффақиятлар тилайман!

# СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

турибдилар. У Кузбасс депутатлари номидан мурожаат этиб, иш ташлашни мамлакатнинг барча регионларига тарқатмасликка даъват қилди. Биз Кемерово областига эртага учиб кетяпмиз, деб уқтирди нотиқ.

**М. С. Горбачев** айтилганларни умумлаштириб қуйидагиларни таъкидлади: кончиларнинг гапларини эшитиб биз ҳаммамиз ташвишга тушмоқдамиз. Бу ерда сўзлаган кончиларнинг позициясига қўшилиш керак. Бу — давлат позициясидир. Жиддий, ўткир бўлсада, аммо адолатли ва масъулиятли позициядир, улар мамлакатнинг барча меҳнаткашларига мурожаат қилиб, ўзгартишлар ислоҳотининг ана шу бурилиш босқичида юксак масъулият намоён этишга даъват қилишаётган экан, бу мурожаатномани Олий Совет номидан қўллаб-қувватлаш керак. Мана, Литва Ишчилари иттифоқининг раиси К. К.Уока хат йўллаб, Литва ишчилари иттифоқи ҳам вазиятни беқарорлаштирадиган иш ташлашларга қарши эканликларини ёзибди. Унинг фикрича, ишчиларга уюшиш имкониятини бериш керак, шунда иш ташлашлар камроқ бўлади. Бу ғояни қўллаб-қувватлаш керак. Агар биз экономикани беқарорлаштириш йўлидан борадиган бўлсак, бу бутун ишимизни, барча қайта қуриш жараёнларини карахт қилиб қўяди, бу ҳолда биз Марказий Комитетда, Олий Советда, ҳукуматда муаммоларни ҳал этишнинг бошқа вариантларини қидиришга мажбур бўламиз. Бу қайта қуришдан, социализмдан, халқ манфаатларидан йироқ бўлган кишиларнинг бузуқ ниятларини амалга ошириш имкониятини яратиб беради. Улар бу борада обдон ҳаракат қиладилар, улар ҳозир ҳам ҳаракат қилишяпти. Кузбасс кончилари ҳаяжонга тушишлари биланоқ ДС (демократик иттифоқ) ҳам бошқалари ҳам ўша ерда ҳозиру-нозир бўлишди. Мен ўртоқлар бу ерда айтган асосий ғояни қўллаб-қувватламоқчиман: биз барча ишда жамиятимизнинг етакчи, ҳал қилувчи кучи бўлган ишчилар синфига, унинг уюшқоқлигига, масъулиятига, социализмга ва ҳозир биз қайта қуриш доирасида амалга ошираётган сиёсатга содиқлигига суянишимиз керак. Аммо биз ишчилар сўнгги вақтда бизнинг олдимизга қўяётган муаммоларни ҳам рад эта олмаймиз. Ленинградда қайта қуришга ёрдам берувчи, қайта қуришга тўсқинлик қилаётган саботажчиларга қарши курашувчи комитет тузиш тўғрисида гапирдилар.

Барча масалаларни коллективларда одамлар билан ҳал этиш керак. Ҳозирги шароитда ҳал қилиш мумкин бўлган барча масалаларни ҳал этиш ва коллектив, район, шаҳар ва регионда ҳаракатлар программасига эга бўлиш лозим, бундан мақсад шуки, бизнинг муштарак мақсадларимизни у ёки бу меҳнат коллективи ёки меҳнаткаш яшаётган регионнинг конкрет шароитларида рўёбга чиқариш керак. Вазифа ана шундай. Кеча ўтказилган иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари секретарлари билан бўлган кенгашда шу ҳақда гаплашиб олинди. Партия қандай ишлаши лозимлиги, нега биз кўпгина партия комитетларида қайта қуришнинг боришидан қониқмаётганимиз ҳақида сўз борди. Жиддий гаплашиб олинди. Бу кенгаш ўз натижаларини ва нафини беради, деб ўйлайман.

СССР халқ депутатлари съездининг топшириқларини бажариш юзасидан СССР Олий Совети ишини ташкил этиш тўғрисида доклад қилиш учун сўз СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари **А. И. Лукьянов**га берилади.

**Раислик қилувчи**, депутатларнинг хатлари ва илтимосларини инобатга олиб, А. И. Лукьянов докладини муҳокама қилишдан илгари биринчи навбатда кўриб чиқилиши лозим бўлган қонун лойиҳаларини белгилаб олиш керак, деди. Булар орасида пайсалга солиб бўлмайдиган қонун лойиҳалари ҳам бор.

Доклад юзасидан мунозаралар бошланди. Сўз депутат, Олий Совет План-бюджет комиссиясининг раиси **В. Г. Кучеренко**га берилади. У тақдим этилган программани таърифлаб съезд топшириқларини адо этишнинг изчиллигини оқилона белгилаб олиш лозим, деди. План-бюджет комиссиясининг фикрича, экономикага куч-қудрат бахш этадиган қарорлар биринчи навбатда кўриб чиқилиши керак. Харажатлар билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишга босиқ-вазминлик билан ёндашиш, бу ўринда ана шу харажатларни қоплаш учун аниқланган манбаларни назарда тутиш керак. Комиссиялар ва комитетларда ҳозир ишлаб чиқилаётган бир қанча программалар ва тадбирлар, эҳтимолки, бюджетдан қўшимча маблағлар талаб қилиши мумкинлиги мени ушбу минбарга чиқишга мажбур этди, деди депутат.

Масалаларни ечиш керак, албатта, аммо айни вақтда шуни ёдда тутиш керакки, бюджетимизда 120 миллиард сўм камомад бор. Нотиқ, ана шу вазиятга барҳам бериш учун айтилган таклифларни эслатиб ўтди. Аммо бу таклифлар ҳамма масалаларни қамраб ололмайди, шунинг учун ҳам комиссиялар ва комитетларда ишлаб чиқилаётган тадбирларни кўриб чиқишга план-бюджет комиссияси вакилларини таклиф этиш, бюджетдан маблағлар сарфлаш назарда тутилаётган қарорларни ана шу вакиллар фикрини ҳисобга олмай қабул қилмаслик керак. Бюджет камомадига барҳам бериш учун резервларни қидириб топишга диққат-эътиборни қаратиш лозим бўлади. Жумладан, саноат корхоналари фойдасидан бюджетга маблағ ажратишни кўпайтириш ана шундай резервлар жумласидандир.

Депутат **В. М. Вологжин** қонун актларини кўриб чиқиш тартиби хусусида ўз нуқтаи назарини баён этди. Унинг фикрича мулк ҳақидаги қонун биринчи бўлиб кўриб чиқилиши керак, шундай қонун қабул қилинмас экан, туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга қаратилган бошқа қонун актларини тайёрлаш тўла бўлмайди ёки вақтинчалик тусда бўлади.

Нотиқ, икки ҳафта мобайнида Литва ССР ва Эстония ССРнинг иқтисодий мустақиллиги тўғрисидаги қонун лойиҳаси ўрганилди ва тингланди, деб таъкидлади. Ушбу муҳокама натижалари СССР Олий Совети кўриб чиқмоғи учун тақдим қилинмоқда.

Фармонлар ва қонунларни ана шундай қисқа муддат ичида кўриб чиқиш ва қабул қилиш мураккаб бўлса ҳам аммо зарурдир. Бу келгуси йил мобайнида халқ хўжалигини 14-беш йилликнинг янги шароитларида ишлаш учун тайёрлашга, шунингдек туб иқтисодий ислоҳотни давом эттиришга имкон беради. СССР Олий Советининг комитетлари ва комиссиялари, ҳукумат ва ҳукумат органлари фавқулодда оғир ва мураккаб ишни адо этишлари керак. Нотиқ, Олий Советнинг барча аъзолари, олимлар, инженерлар, барча манфаатдор кишилардан шу ишда иштирок этишни илтимос қилди.

Миллий муносабатларда яхши қўшничилик фақат самимият ва ишонч негизидагина бўлиши мумкин, деб таъкидлади депутат **М. Шаханов**. У халқ депутатлари съезди минбаридан туриб, 1986 йил декабрь ойида Олмаотада содир бўлган воқеалар хусусида комиссия тузиш тўғрисида таклиф айтганлигини эслатиб ўтди. Унинг фикрича, бу шаҳарда ички қўшинлар ва ҳуқуқ муҳофазаси органлари ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйишган. Аммо бу баёнот эътиборсиз қолди. Шу боисдан ҳам у бир группа депутатлар номидан СССР халқ депутатларидан комиссия тузиш талаби билан яна бир карра мурожаат қилмоқда. Қозоғистон халқи ҳам шуни талаб қилмоқда, деб таъкидлади у.

Нотиқнинг фикрича, Олмаотадаги воқеаларни ўрганиш учун яқинда тузилган республика комиссияси ана шу воқеаларга холисона баҳо беришга қодир эмас.

Депутат **В. И. Самарин** иқтисодий янгиликлар билан бир вақтда ҳуқуқий янгиликларни ҳам жорий этиш керак, деб таъкидлади. Унинг фикрича, меҳнат низолари тўғрисидаги қонун ҳақидаги масалани ҳал этиш керак. Нотиқ, «Меҳнат низолари» ибораси муаммонинг моҳиятини аниқ ифода этмайди, деган фикрни баён қилди.

Депутат **М. А. Бочаров** давлат корхонаси тўғрисидаги Қонунга, кооперация тўғрисидаги Қонунга дарҳол тузатишлар киритиш, шунингдек аҳолининг кам таъминланган табақалари муаммоларини ҳал этиш лозимлигига эътиборни қаратди. Айни вақтда, деб таъкидлади у, минимал пенсиялар ва нафақаларни ошириш билан боғлиқ бўлган масалани илгари эълон қилинган муддат келишини пойлаб ўтирмай ҳозирнинг ўзидаёқ кўриб чиқиш керак.

Нотиқ депутатлар комитетлари ва комиссиялари ишини ташкил этиш муаммоси тўғрисида тўхталди. Сессия ҳукумат аъзоларини кўриб чиқиб, тасдиқлар экан, парламентнинг ишлашига, депутатлар билан СССР Олий Совети аппаратининг ўзаро муносабатларига етарлича эътибор бермади, деб таъкидлади у.

Депутат **К. Д. Лубенченко** ҳуқуқий давлатни бунёд этиш учун ҳозирнинг ўзидаёқ нималар қилиш лозимлиги тўғрисида гапирди. Нутқда гражданларнинг ҳуқуқларини камситаётган мансабдор шахсларнинг ҳуқуққа зид бўлган хатти-ҳаракатлари устидан судга ариза бериш тартиби тўғрисидаги қонун тилга олинди.

Депутатнинг фикрича, бу ўринда асосий масала шахснинг ҳуқуқларини у ёки бу мансабни эгаллаб турган шахсдан ҳимоя қилишда эмас, балки мамлакатда ҳуқуқсизлик муҳитини авж олдирган маъмурий-буйруқбозлик системасидан ҳимоя қилишдадир. Шу муносабат билан нотиқ Олий Совет ишини ташкил этиш тўғрисидаги қарор лойиҳасига банд киритиш ёки қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ тартибот масалалари комитетига юқорида тилга олинган Қонунга қўшимчалар ва ўзгартишлар ишлаб чиқиш ва киритиш ҳақида топшириқ беришни таклиф қилди.

Кўриб чиқилиши лозим бўлган барча қонун лойиҳалари неча ўн йиллар мобайнида миямизга сингдирилган идеологик концепцияларга эмас, балки фақат диалектика қонунлари, экономика қонунларига бўйсундирилиши керак, деди депутат **В. И. Воскобойников**. Ҳаммамизнинг эркимиз ўзимизда бўлсагина, деб сўзида давом этди у, қонимизга сингиб кетган ақидалардан озод бўлсаккина, қайта қуриш ишини тубдан яхшилашга хизмат қиладиган қонун актларини қабул қилиш мумкин.

Шундан кейин нотиқ ўз вақтида қайта қуришга халқнинг ишонч муддати ҳақида кўп гапирилар эди, деб эслатиб ўтди. Ҳозир биз ана шу ишонч муддати ўтиб бораётганини кўриб турибмиз. Кузбасс мисоли, Донбасс мисоли одамларнинг сабр косаси тўлаётганини кўрсатиб турибди. Бундай шароитда яна ҳам қатъийроқ чоралар кўрилиши керак. Чалакам-чатти тадбирлар эмас, балки ўзимиз ўйлаб қўйган ва амалга оширишга уринаётган жараёнларни тубдан жадаллаштириш учун ҳақиқатан ҳам қатъий чора-тадбирлар кўрилиши керак. Агар бундан буён ҳам чала-ярим тадбирлар йўлидан бориладиган бўлса, у ҳолда ҳокимиятнинг маҳаллий органларига ишонч муддати тугаганлиги ҳақидагина гапириш билан кифояланиб қолмаймиз. Нотиқ, мамлакатнинг олий қонун чиқарувчи органига нисбатан ҳам ишонч муддати тугаб қолмасмикан, деб хавотирланиб гапирди.

Раислик қилувчи Е. М. Примаков сессия ишининг бундан буёнги тартибини маълум қилди.

Шундан кейин мунозараларда депутат **А. В. Семенихин** гапирди. У Қозоғистондаги вазиятга тўхталди. Бир вақтлар пайдо бўлган муаммолар ҳал этилганидан одамлар хурсанд, деди у. Ҳозир уй-жой масаласида, озиқ-овқат таъминотида, социал-маданий-маиший соҳани ривожлантиришда кўп иш қилинмоқда. Аммо яна бир ҳовуч ношукурлар аҳволни беқарорлаштиришга уринмоқдалар. Худди ўша миллий нифоқ уруғини сочаётган кишилар ишчи коллективларига, корхоналар, заводларга келишсин, одамлардан муомала маданиятини ўрганишсин.

Депутат **В. В. Хмура** парламент минбаридан туриб мамлакат сайловчиларига мурожаат қилар экан, ақл-идрок билан иш тутишга ва иш ташлашни тўхтатишга даъват қилди. Шундай мураккаб вазият юзага келганлигининг сабабларини таҳлил қилар экан, нотиқ, жумладан, «кўп кишилар ишга шунчаки бориб келишаётгани, аммо ишлашмаётгани ҳақида» жойлардаги аппарат қайта қуриш ғояларини амалга оширишга ғов қўяётгани тўғрисида масалаларнинг ҳал этилмаётганлиги ҳам вазиятга таъсир этаётгани хусусида гапирди.

Депутат **Ким Ен Ун** ишда бир қолипдаги андозалардан воз кечиш ва ҳозирги кун талабларига қараб ишлаш тўғрисида гапирган нотиқларнинг фикрига қўшилди. Лекин одамларни маслакдан воз кечишга даъват этиш ярамайди. Барча амалий изланишларимизда марксча-ленинча методология замин бўлиб қолиши керак.

Нотиқ, муҳокама қилиниши лозим бўлган биринчи қонун лойиҳаси маҳаллий Советлар ҳақидаги қонун бўлиши керак, деган фикрни айтди. Бу янгиланадиган жамиятнинг пойдевори бўлиши керак.

Халқ депутатларининг, умуман Совет ҳокимиятининг обрўси сессия қандай қонунлар қабул қилишига боғлиқ бўлади, деб таъкидлади **В. А. Шеховцов.** Вақт кам, шунинг учун нуфузли ҳужжатларни белгилаб олиш, комиссиялар ва комитетларда ана шу ҳужжатларни фаоллик билан тайёрлаш керак.

Нотиқ маҳаллий Советлар тўғрисидаги қонуннинг муҳим эканлигига қўшилди. Аммо, ҳозир иш олиб борилаётган ана шу ҳужжат лойиҳасида бир қанча жиддий камчиликлар бор, деб уқтирди у.

Қонуншунослик фаолияти катта гражданлик жасоратини талаб этади, деди нотиқ. Қонунлар ҳозир амалда бўлган СССР Конституциясига асосланиши керак, аммо Конституцияни ҳам янгилаш даркор, акс ҳолда янги қонунлар амал қилолмайди.

Депутат **Б. С. Сафаров** СССР Олий Советига баёнот билан мурожаат қилди. Ушбу баёнотнинг моҳияти қуйидагича: Турғунлик даврида «ҳукмдорларга нисбатан қарама-қарши позицияда турган» шу важдан азият чеккан гражданларга нисбатан адолатни тиклаш учун қўшимча тадбирлар кўрилиши керак. Шу муносабат билан нотиқ судларнинг бир йил ўтганидан кейин ишга қайта тиклашни рад этиш ҳақидаги ҳал қилув қарорлари устидан ёзилган шикоятларни кўриб чиқиш кўзда тутилмаган амалдаги қонунларнинг қоидалари мукаммал эмаслигини таъкидлади.

Нотиқ Тожикистоннинг Кўлоб региони ва Тоғли Бадахшон автоном области социал муаммоларига тааллуқли депутатлик сўровини ҳам ўқиб эшиттирди. Ушбу ҳужжатда ҳукуматга республика қишлоқларида болалар ўртасида ўлимнинг юксак даражасида эканлиги ва сил касалликларининг кўп тарқалгани сабабларини, шунингдек республика қишлоқларидаги турмуш даражасини ўрганиш учун комиссия тузишни топшириш илтимос қилинган.

**Раислик қилувчи** шу масала хусусида гапириб, ана шу сўров кеча СССР Олий Совети Раисига топширилгани, раис эса тегишли кўрсатмалар берганини айтди.

Депутат **В. И. Матвиенко** Олий Совет фаолиятида устун томонларни аниқлаб олиш муҳимлигини таъкидлаб ўтди. Унинг фикрича, оналар ва болалар муаммолари асосий ўринлардан бирини эгаллаши керак. Депутат Олий Советнинг тегишли комитети ҳукуматга ўз таклифларини юборганлигини маълум қилди. Бу таклифлар маъқулланди ва қўллаб-қувватланди. Жумладан, СССР Министрлар Совети Раиси ҳузурида хотин-қизлар ишлари билан шуғулланувчи тегишли ҳукумат органи тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. Келгуси йили бўладиган баҳорги сессиягача мамлакатда хотин-қизларнинг аҳволи тўғрисида доклад тайёрлаш ва шу сессия муҳокамасига қўйиш ва ўша сессияда ушбу давлат программасини илк бор ўқишдаёқ муҳокама қилиш таклифи борлиги айтилди.

Депутат **Н. Н. Гриценко**нинг фикрича, А. И. Лукьяновнинг доклади ва қарор лойиҳаси — бу съезд қарорларини бажариш юзасидан Олий Советнинг иш планидир. Ушбу планга кўра, топшириқ бериш билангина кифояланмай, мазкур топшириқларнинг бажарилиш муддатлари ҳам аниқ кўрсатилиши керак, бу топшириқлар Олий Совет ва сайловчиларнинг назорати остида бўлсин. Докладда баён этилган таклифларни айрим нуфузли қарорлар ва қонунлар билан тўлдириш керак. Нотиқ биринчи навбатда амалга оширилиши лозим бўлган социал тадбирларни санаб ўтди.

Депутат **Ю. И. Бородин** ҳам қарор лойиҳасини умуман маъқуллади. Айни вақтда у Олий Совет соғлиқни сақлаш масалаларига алоҳида эътибор бериши керак, деб уқтирди. Булар профессионал масаладан сиёсий масалага айланмоқда. Нотиқ дорилар билан таъминлашдаги жиддий нуқсонлар ва камчиликларни, моддий базанинг аҳволи, даволаш-соғломлаштириш муассасалари қуриш суръатларига тааллуқли жиддий нуқсонлар ва камчиликларни кўрсатиб ўтди.

Шундан кейин доклад юзасидан музокаралар тўхтатилди.

Олий Совет муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилади.

Халқ депутатлари съездининг топшириғига кўра сессияда имтиёзлар юзасидан комиссия тасдиқланди.

Кечқурунги мажлисда **Р. Н. Нишонов** раислик қилди.

Депутатлар СССР Олий Советининг «СССР қонунлари лойиҳаларини ва СССР қонунларини қабул қилиш тўғрисидаги таклифларни СССР Олий Советига тақдим этиш ҳамда СССР Олий Совети комитетларида ва Олий Совет палаталарининг доимий комиссияларида буларни кўриб чиқишнинг муваққат қоидалари тўғрисида»ги қарори лойиҳасини муҳокама қилишга киришдилар.

Депутатлардан **Н. Д. Пивоваров, В. А. Ивашко, А. В. Яблоков, Н. Н. Гриценко, А. И. Лукьянов, В. А. Челишев, С. С. Алексеев** ва бошқалар лойиҳа юзасидан ўз таклифларини айтдилар.

Иккала палата бир вақтда овоз бериш йўли билан айтилган мулоҳазаларни ҳисобга олиб қарор қабул қилдилар.

Шундан кейин депутатларнинг муҳокамасига СССР Олий Советининг «СССР Олий Совети комитетларига ва Олий Совет палаталарининг доимий комиссияларига СССР қонунлари лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун топшириш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси тақдим этилди. Ушбу лойиҳани муҳокама қилишда депутатлардан **В. И. Матвиенко, Қ. Салиқов, В. И. Самарин, Н. И. Игнатович** ва бошқалар қатнашдилар. Лойиҳа юзасидан бир қанча конкрет мулоҳазалар айтилди, қўшимчалар киритилди.

Қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Олий Совет «СССР Олий Совети, Олий Совет комитетлари ва палаталарнинг комиссиялари мажлисларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тартиби тўғрисида»ги қарор лойиҳасини кўриб чиқишга киришдилар.

Депутат **Е. М. Примаков** тушаётган таклифлар хусусида қисқача изоҳ берди. Аввало, у СССР Олий Советининг матбуот марказини тузиш зарурлигига эътиборни қаратди, ана шундай бўлинмасиз парламентнинг иши қийинлашади, деб таъкидлади у. Матбуот маркази СССР Олий Совети ишини ёритиш учун оммавий ахборот воситалари фаолиятини ташкил этишда ёрдам бериши керак. Бунинг учун у мунтазам тарзда брифинглар ўтказиб туради, зарурат бўлганида эса матбуот конференциялари ўтказади. СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети телевидение хабарларини ёритишда якка ўзи бошқош бўлишига йўл қўйиш керак, деб таъкидлади нотиқ.

Муҳокамада депутатлардан **Н. Н. Воронцов, В. А. Ивашко, С. У. Каллас, В. А. Челишев, А. Ғ. Мухторов, И. Д. Лаптев** ва бошқалар қатнашдилар, шундан кейин Олий Совет кўпчилик овоз билан қарор қабул қилади.

**Раислик қилувчи** СССР Конституциясининг 96-моддасига кўра, СССР Министрлар Совети, СССР Олий суди составига кирадиган шахслар, шунингдек СССР давлат бош арбитри бир вақтнинг ўзида СССР халқ депутатлари бўла олмасликларини эълон қилди. СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари этиб тайинланган **Л. И. Абалкин, Н. П. Лаверов, П. И. Мостовой**, СССР Бош давлат арбитри этиб тайинланган **Ю. Г. Матвеев** Олий Советга СССР халқ депутати ваколатларини ўз зиммаларидан соқит қилиш тўғрисида ариза бердилар.

Уларнинг илтимоси қондирилди.

Шундан кейин **раислик қилувчи** бугун мажлисда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Х. Догужиевнинг Бошқирдистонда темир йўл ҳалокатини тергов қилиш тўғрисидаги қисқача ахборотини эшитиш мўлжаллангани тўғрисида депутатларни хабардор қилди. У шошилинч тарзда Абхазияга жўнаб кетганлиги муносабати билан ушбу ахборот келгуси ҳафтанинг бошларида тингланади.

**Раислик қилувчи** айрим депутатлар сўз сўрашаётганини айтди.

Минбарга депутат **Б. Н. Ельцин** чиқади. Нотиқнинг фикрига кўра, тузилиши мўлжалланаётган регионлараро депутатлар группасининг мақсади ва вазифаларини таърифлаб, нотиқ мазкур группанинг ташкилий йиғилишини июль ойининг охирида ўтказиш белгиланганлигини айтди. Нотиқ СССР Олий Совети раҳбариятига илтимос билан мурожаат қилиб бино беришни, йиғилишни ташкил этишда, группа ишини матбуотда ёритишда ёрдам беришни сўради. У мамлакатда қайта қуриш юзасидан ва СССР халқ депутатларининг иккинчи съездига ҳужжатлар тайёрлашга оид яна ҳам радикал ва принципиал таклифлар тақдим этишга ҳаракат қилаётган СССР халқ депутатларини ана шу йиғилишга таклиф қилди.

Сўзга чиққан депутатлар регионлараро депутатлар группасини тузиш хусусида турлича нуқтаи назарларни айтдилар.

Депутат **Т. Қаипбергенов** Оролбўйидаги экология вазияти ҳақида гапирди, Оролбўйини экологик офат зонаси деб тан олиш керак. У Қорақум каналини реконструкция қилиш тўғрисида таклиф киритди, тўғрироғи, деди нотиқ, канал билан ёнма-ён сув йўли қуриш керак. Чунки ҳозир каналдан ўтаётган сувнинг кўп қисми қумга сингиб кетмоқда. Тежалган сувни эса қуриб қолаётган Оролга оқизиш мумкин.

Мажлис тугади.

20 ва 21 июль кунлари СССР Олий Советининг комитетлари ва палаталарнинг доимий комиссиялари ишлайди.

Депутатлар қўшма мажлисга 24 июль куни йиғиладилар.

* * *

19 июль куни СССР парламент группасининг ташкилий йиғилиши бўлди.

**Е. М. Примаков** парламент группасининг раиси этиб, **Р. Н. Нишонов** Раиснинг биринчи ўринбосари қилиб сайланди.

Уларга президиум состави юзасидан таклифлар тақдим этиш топширилди.

СССР парламент группаси тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

(ТАСС).

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИНИНГ ТОПШИРИҚЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

## *СССР Олий Советининг биринчи сессиясида*

## *А. И. ЛУКЬЯНОВ доклади*

Депутат ўртоқлар!

Мамлакатимиз давлат ҳокимиятининг олий органи бўлган халқ депутатларининг биринчи съезди СССР Олий Совети бутун ишининг асосий вазифаларини белгилаб берди.

Съезд ҳужжатлари — аввало «СССР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарор Олий Советга, унинг комитетларига ва палаталарнинг доимий комиссияларига, конкрет топшириқлар мажмуасини берибгина қолмади. Съезд ҳужжатлари аслида давлат ҳокимиятининг доимий ишлаб, қонун чиқарадиган, фармойиш берадиган ва назорат қиладиган органи сифатида СССР Олий Совети фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарувчи асосий йўналишдир.

Шунга асосланиб, съезд топшириқларини бажариш юзасидан Олий Совет ишини ташкил этиш бўйича сизга тарқатилган қарор лойиҳаси тайёрланди. Олий Совет Президиуми ана шу ҳужжатни сизнинг эътиборингизга ҳавола этишни менга топширди.

Ушбу лойиҳада асосий муаммолар бир нечта йирик қисмларга бирлаштирилган, СССР халқ депутатларининг асосий эътиборини мазкур муаммоларни ҳал этишга қаратиш лозим бўлади. Бу қандай муаммолар?

Аввало, ёдингизда бўлса, съезд депутатларнинг таклифларини ҳисобга олиб, Олий Советга амалдаги СССР Конституциясига зарур тузатишларни киритишни топширган эди, шунингдек, Съезд СССРнинг янги Конституциясини ишлаб чиқишга киришиш лозимлигини якдиллик билан маъқуллаган эди.

Бундай ҳужжатни тайёрлаш оғир ва сермеҳнат иш. Аммо уни тайёрлашнинг мураккаблиги яна шундаки, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Қайта қуриш жараёни туфайли вужудга келган ижтимоий тараққиётнинг кўпгина тенденциялари эндигина ўзига йўл очмоқда ва уларни Конституция нормаларида акс эттиришдан илгари бу тенденцияларни теран ва обдон идрок этиш лозим бўлади.

Шу боисдан Конституция ислоҳоти ҳам, қонунчиликни янгилаш ҳам айни бир вақтда амалга оширилиши керак, чоғи. Бир-бири билан у ёки бу қадар мос тарзда, мустаҳкам алоқада кечиши керак.

Шуни инобатга олиб, сизга тақдим этилган лойиҳада СССР Олий Совети Президиумига қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети, Советлар иши, бошқарув ва ўз-ўзини бошқарувнинг ривожланиши масалалари комитети билан биргаликда ва бошқа комитетлар ҳамда палаталарнинг доимий комиссиялар иштироки билан аввало СССР Конституциясига киритиладиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлашни топширди. Муҳокамадан кейин бу масала узил-кесил ҳал этиш учун СССР халқ депутатларининг навбатдаги съездига ҳавола қилиниши лозим.

Муаммоларнинг навбатдаги энг йирик қисми СССР Олий Совети томонидан мамлакат иқтисодий аҳволини барқарорлаштириш, халқ хўжалигини ҳозирги оғир аҳволдан чиқариш, экономикани одам эҳтиёжларига қараб бошланган бурилишини авж олдириш масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқдир. Табиийки, иқтисодий ислоҳот бир қанча янги қонун актлари қабул қилинишини талаб этади. Мазкур актлар шу йўналишда мамлакатда бошланган кенг миқёсли ва машаққатли ишни мустаҳкамлаган, бу иш учун ишончли ҳуқуқий негизни бунёд этган бўлур эди.

Съезддаги мунозара шуни кўрсатдики, 1990 йилги план ва бюджет лойиҳалари, 1991—1995 йилларда ва 2005 йилгача бўлган даврда СССРни иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш беш йиллик планининг концепцияси ва асосий йўналишлари халқ хўжалиги аҳволининг реалистик таҳлилига асосланиши лозим. М. С. Горбачев билан Н. И. Рижковнинг съездда қилган докладларида ана шундай таҳлил берилган.

Кўпгина халқ депутатларининг экономикани соғломлаштириш, шу жумладан инвестиция сиёсатини ўзгартириш, чала қурилишлар ҳажмини, мудофаа харажатларини кескин қисқартириш, мудофаа саноати соҳасини ўзгартириш программалари якка ҳокимлик кўринишларини бартараф этиш, шунингдек экономикани салбий жараёнларни енгиб ўтиш имконини берувчи иқтисодий, молиявий ва ташкилий тусдаги бошқа етилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига соғломлаштириш борасидаги таклифларида мана шу таҳлилнинг бир қанча муҳим жиҳатлари баён этилган.

Мазкур чора-тадбирларни амалга оширишнинг бош йўналишлари съезд қарорларида қайд этиб ўтилган. Ана шу ҳужжатнинг йўл-йўриқларини, шунингдек депутатлар ҳукумат аъзоларини тасдиқлаш чоғида кейинги уч ҳафта мобайнида билдирган фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиб, сизларнинг диққат-эътиборингизни белгиланган программанинг бевосита СССР Олий Советининг фаолиятига таалуқли қисмигагина жалб этишни истардим.

Программа, шубҳасиз, мамлакат плани ва бюджетини кўриб чиқиш билангина эмас, шу билан бирга иқтисодий ислоҳотни ва экономика соҳасидаги бошқа туб ўзгартишларни авж олдириш учун қонуний базани вужудга келтириш билан боғлиқ бўлади.

Шу муносабат билан, ёдингизда бўлса, бизда социалистик корхона тўғрисидаги ягона қонунни тайёрлаш ҳақида съезднинг топшириғи бор. Бироқ ана шу қонун қабул қилингунга қадар (бунинг учун, афтидан, анча вақт талаб этилади) давлат корхонаси тўғрисидаги ва кооперация тўғрисидаги мавжуд ҳужжатларга бир қанча тузатишлар ва аниқликлар киритишга тўғри келиши мумкин.

Бундан ташқари биз бир қанча янги, айтиш мумкинки, дастлабки қонунлар лойиҳасини тайёрлашни жадаллаштиришимиз зарур. Кўпгина депутатлар ҳам, бир қанча комитетлар ва комиссияларимизнинг раислари ҳам бунга тўғри эътиборни қаратмоқдалар. Улар ижара ва ижара муносабатлари тўғрисида, СССРда ягона солиқ системаси тўғрисида, республика ва регионал хўжалик ҳисоби тўғрисида маҳаллий хўжалик ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув ҳақидаги қонунларни шундай қонунлар қаторида тилга олмоқдалар. Биринчи галда мулк тўғрисидаги қонун ҳақида гап бормоқда. Кўпгина депутатлар ва олимларнинг фикрича, бундай қонун бўлмаса, туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга қаратилган бошқа қонун актларини тайёрлаш ярим-ёрти, муваққат тусда бўлади.

Нима учун ана шу ҳужжатлар тўғрисида гап бормоқда. Чунки уларда бугунги кунда ислоҳотга тўсқинлик қилиб унинг назарий асосларини рўёбга чиқаришга имкон бермаётган, аслида уни орқага тортаётган узилишларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб берилган. Биз одамларнинг самарали хўжалик ташаббусига кенг йўл очиб беришимиз, улар ўзларини ишлаб чиқаришнинг чинакам соҳиблари, деб ҳис қилишлари учун имконият яратишимиз, халқ хўжалигидаги ижобий ўзгаришларни мустаҳкамлашимиз ва ривожлантиришимиз керак.

Мазкур қонунлар янги хўжалик механизмини вужудга келтириш, мамлакат иқтисодий турмушини ташкил қилишнинг илғор формаларини жорий этиш йўлидан олға томон жадал боришга қаратилган энг катта ва принципиал масалаларни ҳал этишга қаратилган ҳужжатларнинг ягона комплексини ташкил қилади, деб ўйлаймиз.

Ер ва ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонун актларини ҳам қатъиян янгилаш зарур. Қишлоқ хўжалик соҳасидаги депутатларгина эмас, балки кўпчилик депутатлар бизнинг умумий ер мулкимиздан қимматлироқ ҳеч нарса йўқ, деб тўғри айтмоқдалар. Бу мулкдан оқилона ва самарали, юксак масъулият мезони билан фойдаланишга мажбурмиз. ССР Иттифоқи ва Иттифоқдош республикаларнинг Ер тўғрисидаги янги Қонуни асосан ана шунга қаратилиши керак.

Ҳозирги вақтда мазкур лойиҳаларни ишлаб чиқиш билан асосан ҳукумат органлари (тегишли илмий муассасаларни жалб этиш йўли билан) шуғулланмоқдалар, бироқ бу ҳужжатлар аста-секин бу ерга СССР Олий Советига ўтади.

Шунинг учун олтита комитет ва комиссия сизларга тарқатилган қарорнинг тўртта лойиҳаси моддасини тўлдиришни таклиф этади ва унда ҳукумат халқ депутатлари иштирокида қуйидаги лойиҳаларни:

Биринчи галда — мулк тўғрисидаги қонун ҳамда СССР ижара ва ижара муносабатлари ҳақидаги қонун лойиҳаларини;

СССРда ягона соғлиқ системаси тўғрисидаги, шунингдек «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги қонунга ва «СССРда кооперация тўғрисида»ги қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунлар лойиҳаларини;

ер ва ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонун актларини янгилашга оид таклифларни тайёрлаш ва СССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этишни кўрсатиб ўтади.

Сизларга маълумки, экономикани ривожлантиришга таалуқли баъзи қонун лойиҳалари яқиндагина умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди. Бу қонун лойиҳалари сизларга маълум ва СССР Олий Советининг мазкур сессияси кун тартибига киритилди.

Улар орасида республикаларнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш масалаларига доир таклифлар ишлаб чиқилганлигини алоҳида қайд этиш зарур. Бу борада иқтисодий ислоҳот масалалари билан шуғулланувчи комитет палаталарнинг тегишли комиссиялари билан, шунингдек республикалар органлари билан мустаҳкам алоқа боғлаб иш олиб боришлари керак.

Қонун лойиҳаси таклиф этиш тартибида Литва ССР ва Эстония ССР Олий Советларининг 1990 йилдан бошлаб республикаларни хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш тўғрисидаги таклифлари бу муаммоларни ҳал этишнинг бирон-бир тарздаги ўзига хос тажриба модели бўлиб хизмат қилиши мумкин. Комитетлар билан комиссиялар икки ҳафтадан буён бу масалаларни муҳокама қилмоқдалар. Бунда улар киритилган таклифлар юзасидан хулосаларни СССР Олий Советининг ушбу сессияси муҳокамасига тақдим этиш лозимлигини эътиборга олмоқдалар.

Шу билан бирга биз янги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул этиш билангина чеклана олмаслигимиз табиий. Комитетларимиз билан комиссияларимизнинг режаларида Олий Советнинг назорат вазифаларини изчиллик билан амалга ошириш кўзда тутилган. Улар истеъмол товарлари бозорини барқарорлаштириш, аҳолининг товарларга ва хизматларга бўлган талабларини қондириш юзасидан ҳукумат ишлаб чиқаётган тадбирларнинг амалга оширилишини ҳамда иқтисодий системамизни қайта қуришнинг бошқа кўпгина соҳаларини алоҳида назорат остига олишлари лозим.

**Муаммоларнинг яна бир мажмуи** ҳам шу масалага туташади. Ёдингизда бўлса, халқ депутатлари съездида меҳнаткашлар стратегик вазифаларнинг ҳал этилишинигина эмас, шу билан бирга уй-жой, сифатли медицина хизматига бўлган, аҳолининг кам даромадли қисми — пенсионерлар, инвалидларнинг, боқувчисидан маҳрум бўлган оилаларнинг, кўп болали ва ёш оилаларнинг аҳволини яхшилашга бўлган ҳозирги, энг ўткир эҳтиёжларини қондиришни ҳам кутаётганликлари бир неча бор таъкидланган эди.

Хўш, бу соҳада нима қилиш керак? Съезд шундай жавоб берди. Аввало, пенсиялар миқдорини ошириш масалаларини ҳал қилиш керак. Бу масалалар пенсия таъминоти тўғрисидаги янги Қонунда жуда тўла-тўкис акс эттирилади. Бу Қонунни ишлаб чиқиш тезлаштирилиши керак. Бу Қонун шу йилнинг октябрида СССР Олий Советининг муҳокамасига тақдим этилишини Н. И. Рижковнинг нутқидан биласизлар.

Шу билан бирга, кўпгина муаммолар, съезд белгилаб берганидек, 1990 йилнинг 1 январигачаёқ ҳал этилиши зарур. Шу сабабли съезд қарорларини амалга ошириш юзасидан тузилган ва Министрлар Совети Олий Советга тақдим этадиган тадбирлар режасида қуйидаги энг муҳим тадбирлар бўлиши керак:

— Барча гражданларнинг қарилик пенсиялари энг оз миқдорларини, шунингдек I ва II группа инвалидлари, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг бевалари ва ота-оналари пенсияларининг энг оз миқдорларини ошириш;

— Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг беваларига бепул дори-дармон олиш, шунингдек уруш қатнашчиларига ҳамда уруш йилларидаги фидокорона меҳнати учун орден ва медаллар билан мукофотланган кишиларга шаҳар ички транспортида бепул юриш ҳуқуқини бериш;

— ишчи ва мастер бўлиб ишлаётган пенсионерларга, шунингдек халқ хўжалигида банд бўлган инвалид пенсионерларга меҳнат ҳақининг миқдоридан қатъи назар пенсиялар тўлашдаги чеклашларни олиб ташлаш.

Куни кеча Олий Совет ҳукуматга пенсионерларнинг кам даромадли категориялари пенсиялари миқдорларини оширишга оид биринчи галдаги тадбирлар тўғрисида шу йилнинг 1 сентябригача таклиф киритиш топшириғини берди.

Вужудга келган имтиёзлар ва енгилликлар системасини таҳлил этиб, шу билан боғлиқ бўлган ҳар қандай масалани ҳал этишнинг имкони борича ошкоралигини таъминлаш вазифаси ҳам қўйилганлиги сизларга маълум. Бу масалани ўрганиш топшириладиган СССР Олий Совети комиссиясининг составига оид таклифлар тайёрланган ҳамда комитетлар ва комиссиялар раисларининг 15 июлда бўлиб ўтган кенгашида маъқулланган.

СССР халқ депутатларининг съезди мамлакатимиздаги хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш, шу жумладан, оила, оналик ва болалик, хотин-қизлар меҳнатини ва сиҳат-саломатлигини сақлаш, рўзғорни ва турмушни яхшилаш масалалари юзасидан давлат программаси лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳақида бир қанча топшириқлар берди. Шу муносабат билан СССР Министрлар Совети ўзида хотин-қизлар ишлари билан шуғулланувчи мустақил бўлим тузишни мақсадга мувофиқ деб топди.

Умумдавлат экология программасини тайёрлаш ва унга теварак-атрофдаги табиий муҳитни соғломлаштиришга оид биринчи галдаги, шунингдек, узоқ муддатли чора-тадбирларни киритиш муҳим иқтисодий ва социал аҳамиятга эга бўлиб қолади. Бунда экологик кулфат зоналарига алоҳида эътибор берилиши керак, съездда ҳам, СССР Олий Советининг сессиясида ҳам шу ҳақда жуда жиддий гаплар бўлди.

Олдимизда турган муаммоларнинг навбатдаги мажмуи СССР халқ депутатларининг фаолиятига, съезднинг ва СССР Олий Советининг иш тартибига таалуқли қонун лойиҳалари туркумини бирлаштиради.

Бунда гап, жумладан:

— СССРда халқ депутатларининг мақоми тўғрисидаги (бу қонун лойиҳасининг биринчи нусхаси бор);

— сайловчиларнинг ва жамоат ташкилотларининг наказлари ҳақидаги;

— СССР халқ депутатини чақириб олиш тартиби тўғрисидаги;

— СССР халқ депутатларининг депутатлик фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатларини қоплаш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳақида бормоқда.

Айни вақтда халқ депутатлари Советларининг иши, бошқариш ва ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш масалалари комитетига бошқа комитетлар билан ва палаталарнинг доимий комиссиялари билан биргаликда СССР Олий Совети составини йил сайин янгилаш тартиби тўғрисидаги таклифларни тайёрлаб, Олий Советнинг иккинчи сессияси муҳокамасига тақдим этиш ҳақида топшириқ берилмоқда.

Тартиб-қоида масалаларининг жуда муҳимлигини съезддаги мунозара яққол кўрсатди. Шу сабабли СССР халқ депутатлари съездининг ва СССР Олий Советининг аниқ-равшан иш тартибини ишлаб чиқиш, буни комитет ва комиссияларда жуда синчиклаб муҳокама қилиш, сўнгра СССР халқ депутатларининг иккинчи съезди муҳокамасига киритиш лозим. Олимлар бу ҳужжат лойиҳасининг дастлабки, анча катта ҳажмли нусхасини тайёрлаб қўйдилар.

Йўл-йўлакай шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, қонунларнинг лойиҳаларини ва қонунларни қабул этиш тўғрисидаги таклифларни Олий Советга тақдим этиш ва уларни кўриб чиқишнинг муҳокамангиз учун комитетлар билан комиссиялар тайёрлаган муваққат қоидалари ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу ҳужжатнинг депутатлар томонидан маъқулланиши иш тартиби қабул этилгунга қадар қонун чиқарувчилик ишини янада аниқ ва изчил олиб бориш имконини беради.

Жамиятимиз турмушини демократиялаш жараёни чуқурлашиб бораётганлиги совет гражданларининг ҳуқуқлари ва манфаатларига таалуқли бир қанча қонунларни қабул этишни қатъий тақозо қилади. Бу ҳам — **масалаларнинг алоҳида гуруҳидир.** Бунда гап, жумладан:

— матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги;

— СССРда гражданларнинг жамоат бирлашмалари ҳақидаги;

— СССР касаба союзларининг ҳуқуқлари тўғрисидаги;

— СССРда ёшлар ҳамда давлатнинг ёшларга оид сиёсати ҳақидаги;

— виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларини тайёрлаш ҳақида бормоқда.

14 июль куни қонунларнинг бу рўйхатига яна бир лойиҳа қўшилди. Бу — ҳукумат билан ВЦСПС киритган коллектив меҳнат низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисидаги қонун лойиҳасидир.

Шу муносабат билан қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети зиммасига катта иш тушади. Бундан ташқари мазкур комитет Олий Совет Президиуми қабул қилган митинглар ва намойишлар ўтказиш тартиби тўғрисидаги Фармоннинг ҳамда СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг вазифалари ва ҳуқуқлари тўғрисидаги Фармоннинг СССР Конституциясига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқиб, ўз хулосаларини СССР Олий Советига тақдим этиши лозим.

Биз суд-ҳуқуқ ислоҳотини амалда рўёбга чиқаришни таъминлайдиган қонунларнинг лойиҳаларини ҳам халқ депутатлари съезди белгилаган муддатларда ишлаб чиқишимиз керак.

Депутатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда интизом ва масъулиятни мустаҳкамлашга, гражданларнинг хавфсизлиги кафолотларини кучайтиришга, шунингдек лавозимидан фойдаланиб бойлик орттиришга, ташкилий жиноятчиликка, ўғирлик ва порахўрликка қарши кураш соҳасидаги камчиликларни тугатишга, судларнинг, арбитражнинг, прокуратура, тергов, милиция органларининг моддий-техникавий жиҳозланишини мустаҳкамлашга, улардаги ходимларнинг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган таклифларни ишлаб чиқишлари лозим.

Гражданларнинг ҳуқуқлари тўғрисида янги қонунларни ишлаб чиқиш ва амалдаги қонунларни янгилаш эндиликда СССР Олий Совети фаолиятининг тобора сезиларли соҳаси бўлиб бораётганлигига эътиборингизни қаратмоқчиман. Бу нарса мамлакатимизнинг Хельсинки битимларида ва Вена учрашувидаги аҳдлашувларда, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ пактларида иштирок этишидан бевосита келиб чиқади. Бу соҳада кўп иш қилинади. Бу ишга тегишли министрликлар ва идораларгина эмас, шу билан бирга СССР Олий Советининг комитетлари, шунингдек унинг палаталари комиссиялари ҳам фаол қўшилишлари мумкин бўлур эди.

СССР халқ депутатлари съезди миллий сиёсатни принципиал янгилаш вазифасини ўртага қўйди. Халқаро муносабатларда тўпланиб қолган муаммолар — қийин, нозик муаммоларнинг навбатдаги мажмуи мана шундан келиб чиқади.

Бу соҳада биз совет федерациясини тубдан такомиллаштириш, иттифоқдош республикаларнинг суверен ҳуқуқларини ва автономияларнинг ваколатларини мустаҳкамлаш, совет миллатлари ва элатларини совет федератив давлати доирасида эркин ривожлантириш масалалари бутун комплексини синчиклаб ишлаб чиқишимиз керак бўлади.

Бу ўринда гап миллатлараро муносабат масалаларига оқилона ва одилона ёндашишни, бу муносабатларни социалистик ижтимоий тузумнинг асосий принциплари негизида соғломлаштиришни таъминлай оладиган сиёсий ва қонуний дастур яратиш ҳақида бормоқда.

Бу — бутун Олий Советнинг, ундаги ҳамма органларнинг вазифасидир, албатта. Шундай бўлса ҳам бу ишда Миллатлар Совети ва унинг комиссиялари етакчи бўлишлари керак. Миллатлар Совети тегишли республикаларнинг Олий Советлари билан биргаликда:

— ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқ доирасини чегаралаб қўйиш мезонларини ишлаб чиқиши;

— Волгабўйи немисларининг, Қрим татарларининг, Месхети туркларининг ҳуқуқларини тиклаш, оз сонли элатларни ривожлантириш соҳасида съездда кўтарилган масалалар юзасидан таклифлар киритиши;

— Тоғли Қорабоғ автоном областидаги аҳволни кўриб чиқиши лозим.

Яқинда Миллатлар Совети шу масалалар юзасидан тегишли депутат комиссияларини тузганини биласизлар.

Муаммоларнинг навбатдаги мажмуи аввалгиси билан боғлиқ. Бунинг сабаби қуйидагича.

Федерацияни ривожлантириш, иттифоқдош республикаларнинг суверенитетини мустаҳкамлаш, автономияларнинг статусини ошириш соҳасидаги етилган масалалар орасида жойлардаги Совет ҳокимияти барча органларини амалий равишда қайта қуришнинг кўпгина вазифаларини ҳал қилишимиз керак. Съезд бу ишни авж олдириш соҳасида аниқ-равшан кўрсатма берди.

Хўш, биз нимани хоҳлаяпмиз ўзи? Биз гражданларнинг ўзини-ўзи бошқариш принциплари асосида жойлардаги ишларга раҳбарлик қилиш билан тузукроқ шуғулланишни, шу билан бирга гражданларнинг ташаббусини ҳар томонлама ривожлантиришни, бу ишда жамоат ташкилотлари ва демократик ҳаракатларнинг фаол иштирок этишини хоҳлаймиз. Бу гап XIX партия конференциясида ҳам айтилган эди.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий негизлари тўғрисидаги Қонун шу вазифаларни ҳал этишга хизмат қилиши керак, бу қонуннинг лойиҳаси жуда яқин вақт ичида СССР Олий Советига тақдим этилади. Шу лойиҳа хусусидаги ишда Советларнинг иши масалалари ва қонунчилик масалалари комитетлари, шунингдек Миллатлар Советининг иттифоқдош ва автоном республикаларни, автоном областлар ва округларни социал ҳамда иқтисодий ривожлантириш масалалари доимий комиссияси жуда фаол иштирок этишлари ғоят фойдали бўлур эди.

Чамаси, бу лойиҳани тайёрлаш ишини иттифоқдош республикаларда иқтисодий ва социал соҳага раҳбарликни қайта қуришни мустаҳкамлаб бериши лозим бўлган СССР Қонунини тайёрлаш билан қўшиб олиб бориш керак.

Биз ҳал қилишимиз лозим бўлган масалаларнинг яна бир мажмуи Совет давлатининг ташқи сиёсатини амалга ошириш билан боғланган. Бу ишнинг асосий принциплари СССР халқ депутатлари съездининг қарорларида ва съезднинг жаҳон халқларига Мактубида таърифлаб берилган.

Олий Совет ва унинг органлари қайта қуриш, янгиланиш, ошкоралик жараёнлари тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида халқаро муносабатларга инсонпарварлик руҳини бахш этишнинг таркибий қисми бўлиб қолмоғи учун зарур бўлган ҳамма ишни, шу жумладан, ўзининг парламентлараро алоқалари йўли билан ҳал қилиши лозим.

Биз ташқи сиёсат соҳасидаги конкрет қарорлар билан, кундалик ва истиқбол характерига эга бўлган муаммолар билан, чет элларга юборилган совет давлат ва парламент делегацияларининг ҳисоботларини тинглаш билан бир қаторда съездда аянчли тарзда янграган масалага ҳам қайтишимиз керак. СССР Олий Советининг халқаро ишлар комитетига совет қўшинларини Афғонистонга киритиш тўғрисида ўз вақтида қабул этилган қарорга сиёсий баҳо бериш ва Олий Совет томонидан муҳокама қилинганидан кейин ўз хулосаларини СССР халқ депутатларининг иккинчи съездига маълум этиш топшириғи берилганлиги назарда тутилади.

Ниҳоят, масалаларнинг сўнгги ғоят муҳим гуруҳига тўхталмоқчиман.

Сайлов кампанияси вақтида, сўнгра эса съездга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида СССР халқ депутатлари ўз сайловчиларидан жуда кўп таклифлар ва наказлар олишди.

Съезднинг ўзига гражданлардан 141 мингтадан кўпроқ хат, телеграмма, шикоят ва ариза келди. Бевосита халқ депутатларидан давлат органларига бир неча юз сўров ва шикоят-ариза тушди. Кўпгина шикоят ва аризалар (съезд президиуми билан секретариатининг қарорига биноан) тегишли министрлик ва идораларга, шунингдек, СССР Олий Советига унинг комитетларига ва палаталарнинг доимий комиссияларига юборилди. Энди депутатлар томонидан съездда айтилган мана шу таклифларнинг ҳаммасини биз синчиклаб таҳлил этишимиз ва қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишида, шунингдек тегишли комитетлар, комиссиялар, мансабдор шахсларга даҳлдор бошқа масалаларни тайёрлаш чоғида эътиборга олишимиз керак.

Агар СССР Олий Совети ва унинг Президиуми депутатлар айтган барча муҳим таклифларнинг кўриб чиқилиши устидан назорат ўрнатсалар, чамаси, тўғри бўлур эди.

«Олий Советнинг СССР халқ депутатлари съездининг топшириқларини бажариш соҳасидаги ишини ташкил этиш тўғрисида»ги қарор лойиҳасида Олий Совет Президиуми таърифлаб берган баъзи мулоҳазалар мана шулардан иборат, ўртоқлар.

Кеча М. С. Горбачев иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари биринчи секретарларининг кенгашида таъкидлаганидек, халқ депутатлари съездининг, СССР Олий Совети сессиясининг иши сиёсий ислоҳотни ғоялар, ишланмалар ва режалар соҳасидан практика жабҳасига, турмуш реаллигига кўчиришга асос солди.

Бу амалий иш комитетлар ва комиссияларнинг, барча депутатларнинг зўр ғайрат билан ишлашини, уларнинг фаолиятида юксак уюшқоқликни талаб қилади. Бунинг сабаби ҳам равшан, чунки асосан Олий Советнинг фармойиш бериш вазифаларини бажариш билан, ўзига бўйсунувчи органларни тузиш билан боғлиқ бўлган дастлабки босқичдан кейин биз иккинчи босқичга — қонунлар чиқариш, чуқур таҳлилий иш босқичига ўтяпмиз.

Агар биринчи босқич (гарчи бу босқич бирмунча чўзилиб кетган бўлса ҳам) депутатлар корпусининг мамлакат экономикаси ва маданияти барча тармоқларини ривожлантиришнинг кўпдан-кўп муаммоларини ўзлаштириш даври бўлган бўлса, эндиликда депутатлар халқ хоҳиш-иродасини ҳуқуқ нормаларида, қонуннинг қатъий ибораларида мужассамлаштириш соҳасидаги қийин ва нозик ишга қўшилишлари лозим.

Кузда план ва бюджетни кўриб чиқишга ҳам кўп эътибор берилиши керак бўлади.

Ниҳоят, Олий Советнинг ўзига ҳисобот берадиган барча органлар ишини олий даражада назорат қилиши билан, ҳукуматнинг ва министрларнинг ахборотларини, депутатларнинг сўровлари ва саволларини тинглаш билан боғлиқ бўлган вазифалари тобора фаолроқ амалга оширилавериши турган гап.

Шундай қилинса, чамаси, комиссиялар, комитетлардаги ва палаталарнинг мажлисларидаги депутатлар ишининг нисбати ўзгаради. Комиссиялар ва комитетларнинг улуши мамлакат олий ҳокимият органи иши умумий ҳажмининг камида учдан икки қисмини ташкил қилиши керак. Айни шу ерда ҳар бир масала жуда эринмай ишлаб чиқиладиган бўлиши лозим. Бинобарин, ишнинг муваффақияти комитетлар ва комиссияларнинг иши қандай режалаштирилишига, бу иш қандай мувофиқлаштириб олиб борилишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Шуни айтиш керакки, комитетларимиз ва комиссияларимиз режаларининг дастлабки чамалари билан танишувдан шундай хулоса чиқади: бу режаларнинг ҳаммасида СССР Олий Советида муҳокама қилиш учун пухта ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари ва таклифларни мустақил ёки биргаликда тайёрлашдан иборат умумий бир фикр кўриниб турибди. Айни вақтда ҳар бир комитет ва комиссиянинг ўзига хос хусусияти ҳам бор, албатта.

**Халқ депутатлари Советларининг иши, бошқаришни ва ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш масалалари комитети** олиб кўрилса, ҳозир бу ерда СССРда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий негизлари тўғрисидаги қонун лойиҳаси зудлик билан тайёрланмоқда. Бундан ташқари мазкур комитет мамлакатнинг бир қанча регионларида қонун лойиҳасига киритиш мўлжалланаётган нормалар билан боғлиқ масалаларни ишлаб чиқишни устун йўналиш сифатида ўзи учун белгилаб олди. Шу мақсадда — жойларга бориб, Москванинг бир қанча микрорайонларида, шунингдек баъзи қишлоқ районларида аҳолининг ўз-ўзини бошқариш жамоат органларини тузиш ҳамда уларнинг фаолияти тажрибасини ўрганиш режалаштирилган.

Назорат тариқасида СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Л. А. Воронининг халқ депутатлари маҳаллий Советлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан ҳукумат белгилаётган тадбирлар тўғрисидаги ахборотини тинглаш назарда тутилади.

**Фан, халқ таълими, маданият ва тарбия комитети** келгуси йилда фан, маданият ва таълимни ривожлантириш учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар тўғрисида СССР Госпланининг ахборотини тингламоқчи бўлиб турибди. Шу комитет болалар ва ўсмирлар учун Бутуниттифоқ кино ва телевидение марказини ташкил этиш масаласини муҳокама қилишни ҳам мўлжалламоқда (бу иш учун депутат Роланд Биков жавобгар).

Бундан ташқари министрликлар ва идораларнинг иштироки билан кутубхоналар ва музейлар ишларининг аҳволи, шунингдек миллий мактабларни миллий тиллардаги дарсликлар билан таъминлашнинг ҳолатини обдон текшириб чиқиш мўлжалланган (бу иш билан депутатлардан Д. Лихачев ва Н. Воронцов шуғулланадилар).

**Халқ соғлиғини сақлаш комитети** келгуси йилдаги соғлиқни сақлаш бюджетининг тузилишини назорат остига олади. Аҳолининг спорт товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш тўғрисидаги, шунингдек давлатнинг «Сиҳат-саломатлик» программасини тузиш ҳақидаги масала ўрганиб чиқилади.

Бу соҳада ҳам амалий ишга кўпроқ эътибор берилаётгани кўриниб турибди.

**Хотин-қизлар, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш комитети**нинг плани ҳам амалий руҳда тузилган. Бу комитетнинг аъзолари бир қанча идораларнинг ахборотларини тинглашни белгиламоқдалар, «Оила», «Оналик», «Ўрта Осиё», «Хотин-қизлар» программалари юзасидан материаллар тўпламоқдалар.

**Экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари комитети** халқ депутатлари съезди қарорларини бажаришнинг кундалик масалаларидан ташқари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги узоқ муддатли давлат программаси ҳақидаги; мамлакатда давлат экологик экспертизаси ҳақидаги масала каби йирик муаммоли масалаларни кўриб чиқишни мўлжалламоқда. Бундан ташқари комитет аъзолари вазиятни ўрганиш ва тегишли чора-тадбирлар кўриш учун жойларга, айниқса экологик жиҳатдан мушкул вазият вужудга келган районларга борадилар, бу ниятни фақат табрикламоқ керак.

Олий Советнинг бошқа комитетларида ва палаталарнинг доимий комиссияларида ҳам шу каби бирон-бир жиҳатдан ўхшаш ва бирон-бир жиҳатдан турлича бўлган режалар бор.

Бунда СССР халқ депутатларининг биринчи съезди Олий Советга бериб қўйган роль, съезд кўрсатмаларини, у белгилаган сиёсий йўлни амалга оширувчилик роли яна бир бор намоён бўлмоқда.

СССР Олий Совети, унга бирлашган депутатлар совет халқи томонидан ўз зиммаларига юклатилган шу масъулиятли вазифа юксаклигида бўладилар, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсизлар.

## СТАТИСТИКА ВА СОЦИОЛОГИЯ

«СССР 1988 йилда рақамларда» қисқача статистика тўплами нашрдан чиқарилди. Унда мамлакатнинг бир йиллик асосий социал-иқтисодий ривожланиши натижалари 1986 ва 1987 йилларга ҳамда ўтган беш йилликка нисбатан қиёслаб берилган.

Социал соҳа тўғрисидаги ахборот кенгайтирилган. Бир қанча социологик тадқиқотлар ва бир йўла ҳисобга олишларнинг натижалари, аҳоли даромадлари, суд статистикаси тўғрисидаги илгари эълон қилинмаган маълумотлар келтирилган.

1989 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатининг дастлабки якунлари ёритилган.

Бир қанча кўрсаткичлар бўйича халқаро қиёсий маълумотлар берилган.

(ТАСС).

## СОВЕТ КИТОБЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

АНТАНАНАРИВУ (ТАСС). Мадагаскар Демократик Республикаси жанубидаги Тулиара шаҳрида бўлиб ўтган совет китоблари кўргазмаси малагасийликларни СССРда юз бераётган инқилобий қайта қуриш жараёнлари билан, ошкоралик ва демократиянинг ютуқлари билан таништирди.

Экспозицияда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачевнинг нутқлари, кейинги партия анжуманларининг материаллари жой олган китоблар ва брошюралар, турли хил сиёсий адабиётлар, илмий-техника адабиётлари, дарсликлар ва бадиий адабиётлар, болалар учун китоблар намойиш этилди.

Марксизм-ленинизм классикларининг Совет Иттифоқида малагасий тилида нашр этилган асарлари, янги совет тинчлик ташаббуслари тўғрисида ҳикоя қилувчи нашрлар томошабинлар диққатини ўзига жалб этди.

